БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-йил чиқиши
№ 178 (1440)
9 СЕНТЯБРЬ
ЧОРШАНБА
1959 йил

БАҲОСИ 20 тийин

Биз қишлоқ хўжалик мутахассисларига мурожаат қиламиз:

—Барча етиштирилган ҳосилни сира нобуд қилмай териб олиш учун курашнинг олдинги сафларида бўлингиз! Терим ишларининг сифати устидан қатъий назорат қилиб борингиз, пахтанинг хом терилиши ва ифлослантирилишига ҳеч вақт йўл қўймангиз!

(Қишлоқ хўжалик илғорлари область кенгаши қатнашчиларининг Мактубидан).

Халқ накази—қонун

КПСС XXI съезди мамлакатимизда коммунистик қурилишни кенг авж олдиришнинг улуғвор программасини чизиб бериш билан бирга барча партия, совет, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг бу программани бажариш учун курашдаги роли, тутган ўрни ва вазифаларини равшан кўрсатиб ҳам берди. Ҳозирги кунда ижодкор совет халқи коммунистик партия раҳбарлигида съезд томонидан қўйилган вазифаларни муваффақият билан амалга ошира бориб коммунизм сари шаҳдам қадамлар билан олға бормоқда.

Жамиятимиз коммунизм йўлидан олға борган сари, — дейилади КПСС XXI съезди қарорларида, — меҳнаткашлар депутатлари Советларининг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишлари шу қадар кенг тус олади.

— Область, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советлари саноат корхоналари ва қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг етти йиллик план топшириқларини бажариш соҳасидаги ишларига таллуқли энг муҳим масалалар билан доим шуғулланишлари, ишлаб чиқаришни юксалтириш учун барча имкониятлар ва маҳаллий ресурслардан янада тўла фойдаланишга эришишлари, меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва маданиятини юксалтириш, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш планларининг бажарилиши ҳақида гамхўрлик қилишлари, омманинг ижодий ташаббусини кучайтиришлари ва қўллаб қувватлашлари лозим.

Сайловчилар томонидан берилган наказлар маҳаллий Советларнинг фаолиятида муҳим роль ўйнайди ва социалистик давлатимизда жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Сайловчиларнинг наказ ва таклифларида кўп миллионли совет кишиларининг истак-ҳоҳиши ва иродаси ифодаланган.

Наказларнинг сиёсий аҳамияти яна шундаки, сайловчилар ўз наказлари ва таклифларида давлат органларидаги ўз вакилларига топшириқлар берадилар, халқ хўжалигининг барча соҳасини ривожлантириш учун фидокорлик билан курашишни талаб этадилар. Олдинги сайловларда бўлганидек, Советларга бўлиб ўтган бу йилги сайлов кампаниясида ҳам сайловчилар томонидан берилган наказларнинг асосий мазмуни шаҳар ва район хўжалигини ривожлантиришга, уй-жой қурилиши, савдо ва коммунал хизматини яхшилашга қаратилган. Бу ўринда пойтахтимиздаги маҳаллий Советлар депутатларига берилган наказлар характерлидир. Сайловчилар томонидан берилган 849 наказдан 427 таси шаҳарни ободонлаштириш, 93 таси савдо-сотиқ ишларини яхшилаш, 106 таси капитал қурилиш ва 38 таси аҳолига медицина хизматини янада яхшилаш масалаларига қаратилган.

Областимизда кўпгина шаҳар, район, қишлоқ Советлари борки, улар маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайлов кампанияси даврида сайловчилардан олинган наказларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрганиб чиқиб, уларни умумлаштирганлар ва амалга оширишнинг конкрет тадбирларини белгилаганлар. Бунга мисол қилиб меҳнаткашлар депутатлари Олмалиқ шаҳар Советини кўрсатиш мумкин. Наказлар умумлаштирилгандан сўнг улар ижро учун тегишли бўлимларга чиқарилган. Шаҳар ижроия комитети наказларни умумлаштириш ва амалга ошириш ишига доимий комиссиялар ҳамда кўпчилик депутатларни жалб этиб, намунали иш қилмоқда.

Бироқ, шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, айрим маҳаллий Советлар сайловчилар наказларини амалга оширишда сусткашликка йўл қўймоқдалар, бу муҳим ишнинг устидан етарли даражада контроль ўрнатмаганлар. Октябрь район ижроия комитети сайловчилар наказларини сайловдан кейин кўп ўтмай умумлаштирган тегишли қарор қабул қилган, наказларни бажариш учун тегишли бўлимларга ҳам чиқарган. Лекин бўлимларга чиқарилгандан сўнг наказларнинг тақдири билан ижроком қизиқмай қўйган. Наказларнинг бажарилиши қай аҳволда эканлиги ҳақида ижроком раҳбарлари равшан тасаввурга эга эмаслар.

Наказлар қай даражада бажарилаётганини, маблағ бўлмаганлиги туфайли яқин вақт ичида бажарилиши мумкин бўлмаган наказларни сайловчиларга вақти-вақти билан маълум қилиб туришлик маҳаллий Советларнинг эътибор марказида бўлсин.

Сайловчилар наказлар бераётириб, хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида маҳаллий Советга ёрдам беришни ўз зиммаларига оладилар. Маҳаллий Советларнинг вазифаси меҳнаткашларнинг наказларни амалга оширишга қаратилган ташаббусини қўллаб-қувватлашдан, уларнинг мавж уриб ўсаётган куч ва ғайратларини халқ хўжалигини ривожлантириш вазифаларини амалга оширишга сафарбар этишдан иборат.

Сайловчилар наказларини амалга оширишда доимий комиссия ва депутатларнинг роли бениҳоя каттадир. Депутат ўз округи сайловчиларидан олинган наказларнинг бажарилиши ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши, уларни тез ва тўла амалга ошириш учун ички имкониятларни қидириб топиши, наказларнинг бажарилиши юзасидан ижроком бўлимларида, корхона ва муассасаларда ишнинг бориши устидан назорат қилиб туриши зарур. Сайловчилар накази — халқ накази, уни бажариш ҳар бир депутат учун қонундир. Шунга эришилсинки, Совет сессияларида, ижроком мажлисларида, доимий комиссия йиғилишларида сайловчилар наказларининг бажарилиши билан боғлиқ бўлган масалалар тез-тез муҳокама қилиниб турсин.

Шубҳа йўққи, областимиздаги барча маҳаллий Советлар партия ташкилотларининг раҳбарлигида сайловчилар наказларини тўла амалга ошириш учун курашиб, омма билан алоқаларини янада мустаҳкамлайдилар, меҳнаткашларнинг кундан-кунга ортиб бораётган ғайратини КПСС XXI съезди қарорлари, етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар этадилар.

К. Е. Ворошилов ва Морис Торез Севастополда бўлдилар

СЕВАСТОПОЛЬ, 7 сентябрь. (ТАСС). Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торез ва унинг рафиқаси — Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Жаннет Вермерш Қримда истироҳат қилган вақтларида Қрим Жанубий қирғоғидаги кўпгина шифохоналарни, даволаш муассасаларини ва чиройлик маҳаллари жойларни бориб кўрдилар.

Қримда истироҳат қилаётган СССР Олий Совети Президиумининг раиси К. Е. Ворошилов яқинда Морис Торез ва Жаннет Вермерш билан биргаликда Севастополда бўлди. Уларни Украина КП Қрим область комитетининг секретари Н. Н. Суркин, меҳнаткашлар депутатлари Қрим область Совети ижроия комитетининг раиси И. М. Филиппов, Қора денгиз флотининг қўмондони В. А. Касатонов ва бошқалар кутиб олдилар.

Меҳмонлар «Золотая балка» узумчилик совхозини бориб кўрдилар, сўнгра Сапун-Горага бориб, у ерда қаҳрамон совет жангчиларига ўрнатилган ёдгорликни — «Сапун-Горага штурм» диорамасини кўздан кечирдилар.

Ажойиб Малахов қўрғонида меҳмонлар самимий кутиб олиндилар. К. Е. Ворошилов, Морис Торез ва унинг рафиқаси Халқлар дўстлиги аллеясига биттадан дарахт ниҳоллари ўтказдилар. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари меҳмонларга гулдасталар тақдим этдилар.

Малахов қўрғонида митинг бўлди. Митингда К. Е. Ворошилов, Морис Торез ва Жаннет Вермерш нутқ сўзлаб, самимий кутиб олганликлари учун севастополликларга ташаккур изҳор қилдилар. Сўнгра меҳмонлар Севастополь бўйлаб сайр қилдилар, В. И. Ленин ҳайкали ёнига гуллар қўйдилар.

КПСС МК Пленуми ғоясига

Ҳар бир теримчининг кундалик топшириқни ортиғи билан бажаришига эришайлик!

100 тонначи Турсуной Охунова ва ўнбеш мингчи йигит-қиз комсомол ёшларнинг ташаббусини кенг оммалаштирайлик!

☆ ☆ ☆ ☆

Комсомоллар олдинги сафда

Шу кунларда Боёвут районидаги совхозларда пахта териш қизғин бошлаб юборилди. Далаларда бу йил мўл ҳосил етиштирилди. Энди уни нобуд қилмай териб олишга катта аҳамият берилмоқда.

Пахта теримини районда биринчи бўлиб 1-«Боёвут» совхозининг ўртоқ Мурод Аҳмедов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бошлади. Бригада аъзолари бутун ёз бўйи фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар. Улар янги ҳосилни йиғиб-териб олишга яхши тайёргарлик кўрдилар.

Пахтаси машина билан териладиган жойларда уватлар тозаланиб, хирмонлар ремонт қилинмоқда. Совхознинг 4-бўлимидаги ўртоқ Тилов Абдалиев бошлиқ бригада ишчилари карталардаги бегона ўтларни батамом тозалаб бўлдилар. Чунки, бегона ўтлар машинанинг нормал ишлашига ҳалақит беради.

Райондаги 3-«Боёвут» совхози ишчилари ҳам етти йилликнинг биринчи йили планларини КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бошланишигача бажариш учун курашиб, астойдил ишламоқдалар. Биринчи бўлимдаги Тўрабек Жўраев бошлиқ бригада ишчилари 192 гектар пахта майдонидан 28 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар зиммаларига олган социалистик мажбуриятни Октябрь байрамигача бажариш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Р. САИДҚУЛОВ,
Т. ЙУЛДОШЕВ,
Р. МАВЛОНОВ.

Колхозимизни қолоқликдан чиқарамиз

Бизнинг колхоз қолоқликда донг чиқарган. Ўтган йили ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда бор-йўғи 13 центнердан, мен бошлиқ бригадада эса 15,5 центнердан ҳосил олинди. Обҳаво ноқулай келганлиги учун эмас, балки нотўғри ва ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилинмаганлиги туфайли ҳосил кам бўл ди. Бу йил колхознинг раҳбарлари ўзгарди. Ишга янгича муносабат ўрнатилди. Меҳнат интизоми анча мустаҳкамланди.

Колхознинг бошқа бригадалари сингари бизнинг бригада аъзолари ҳам бу йил ҳар қачонгидан кўра астойдил ишладилар. Колхозимизни қолоқликдан чиқариш учун ўз меҳнатларини аямадилар. Шунинг учун асосий ерларда ҳосил мўл бўлди. Жумладан, бизнинг 85 гектар ердаги гўзамизнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олиш имконни яратилди. Буни кўрган бригадамиз аъзолари пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан бошладилар. Биз барча ҳосилни сира нобуд қилмай териб олиш учун курашмоқдамиз.

Абдунаби УСАРОВ,
Оққўрғон районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригада бошлиғи.

Терим илғорлари

Ўрта Чирчиқ. «Ленин йўли» колхозининг пахтакорлари августнинг охиридаёқ пахта теримини қизғин бошлаб юборган эдилар. Ўртоқ Ҳ. Ҳайдаров бошлиқ бригада аъзоларининг ҳар бири теримнинг дастлабки кунларидан бошлаб 80—120 килограммдан пахта тера бошлади. Мавсумда 15 тонна пахта териш мажбуриятини олган ўртоқ Мақбулой Мавлудова шу кунларда 180—200 килограммдан пахта тераётир. Унинг дугоналари Ойшахон Хўжаназарова, Марва Анваровалар ҳам мавсумда 10—12 тоннадан пахта териш мажбуриятини олдилар. Улар шу кунгача хирмонга 1,5 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

М. КАРИМОВ.

Ягона мақсад йўлида

Районда «Коммунизм» колхози тўғрисида гап боргундек бўлса, сердаромад хўжалик, пахта майдони ҳам катта, ҳар йилдагидек бу йил ҳам ҳосил мўл бўлади, дейишади.

Бу колхозда бўлган киши ҳақиқатан ҳам колхозчиларнинг йил бошидан бери фидокорона меҳнат қилиб, етиштирган мўл пахта ҳосилини кўриб завқланади. Ҳозир колхознинг 1500 гектар майдонидаги ҳамма пахта қийғос очилмоқда. Терим суръати ҳам чакки эмас.

Колхоз раиси ўртоқ Маҳмуд Исматов бизни коммунист Тўлан Саидвалиев бошчилик қилаётган бригададаги ишлар билан таништиргач, 4-бригадага таклиф қилди. Тушга яқин биз бу ерга етиб келдик.

Бригада хирмони. Табелчи Ф. Ашраповнинг қўли-қўлига тегмайди. Теримчилар уни шошириб қўйишганди. Тортиб олинаётган «оқ олтин»лар пешма-пеш қоп-қанорларга жойланар, сўнг от-аравларда колхознинг марказий хирмонига жўнатилар эди.

Биз теримчиларнинг тушгача терган пахтаси ёзилган рўйхатни кўздан кечирдик: «Минаввар Маҳкамова — 65 килограмм; Ҳосият Ашрапова — 63 килограмм; Ўктамхон Абдухалилова — 78 килограмм...»

Ўктамхон АБДУҲАЛИЛОВА.

Ўктамхон Абдухалилова. Бу қиз билан биринчи марта область пахтакорлар кенгашида учрашган эдик. Янгийўл районидаги Фрунзе номли колхозининг ўнбешминг килограммчи чевар теримчиси Ўлмас Абдужаббарова кенгашда сўзга чиқиб, уни 15 тонна пахта теришга мусобақага чақирган эди. Ўктамхон дугонасининг бу чақириғига якдиллик билан қўшилган эди...

Илтимосимизга кўра бригада бошлиғи ўртоқ А. Тўраев бизни Ўктамхонлар звеноси пахта тераётган картага бошлади.

— Меҳнат қилиб чарчамайдиган қизлардан,— деди ҳамроҳимиз Ўктамхон тўғрисида гап бошлаб. — Ўтган йили у 12 тонна «оқ олтин» териб, чевар теримчи деган ном олди. Терим бошлаганига 5—6 кун бўлганига қарамай, унинг терган пахтаси 2 тоннага яқинлашиб қолди. Бригадамиз бўйича 100 га яқин киши теримга актив қатнашаяпти. Лекин улар орасида ҳозирча унга тенглашадигани йўқ. Ана ўзи...

Ўктамхон қизлар билан ёнма-ён туриб пахта термоқда. У ўзининг чаққон ҳаракати, тўлиб-тошиб турган ғайрати билан бошқа теримчилардан ажралиб турарди. Кўп ўтмай унинг этаги пахтага тўлар, тезда уни қанорга ағдариб, яна теримга тушарди.

Биз Ўктамхондан мусобақанинг бориши тўғрисида бир-икки оғиз гап сўрадик.

— Сўз бериб қўйсанг-у, уни бажара олмасанг, бундан ёмони йўқ, — деди у.— Ҳозирги паллада ҳар бир минут ғанимат. Негаки, шу кунги энг қизғин дамлардан фойдаланиб ғайрат қилмасанг, ишнинг охири бўшашиб кетаверади.

— Мажбуриятни байрамгача бажарасизми?— сўрадик биз.

— 15 тоннани-ку байрам арафасигача териб бўлади,— деди бригадир,— Ўктамхоннинг яна қўшимча 2 тонна мажбурияти ҳам бор. Уни байрамга совға қилмоқчи...

Кейин билсак, кенгашдан сўнг колхозда теримчиларнинг йиғилиши бўлиб ўтган экан. Ана ўшанда Ўктамхон мажбуриятини 17 тоннага етказишга сўз берибди.

— Мусобақадошингиз бундан хабардорми?— сўрадик Ўктамхондан.

— Бўлмаса-чи,— деди у,— хат ёзишиб турамиз. У ҳам мавсумда 17 тонна «оқ олтин» термоқчи...

Унинг бу ташаббусини шу бригаданинг илғор теримчиси Азиза Шомуродова ҳам қўллаб-қувватлади. Азизанинг мажбурияти ҳам 17 тонна. У, дугонаси Ўктамхон билан ёнма-ён ишлаб, ҳозиргача 2 тоннага яқин пахта терди.

...Биз колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Юсупов бошлиқ бригада аъзолари орасида ғайратига-ғайрат қўшиб пахта тераётган Тўхта Пўлатова, Арофат Турсунова каби ўнлаб теримчиларни учратдик.

Уларнинг ҳаммаси бир мақсад йўлида—ҳар гектар ердан 33 центнердан ҳосил йиғиб териб, колхоз бўйича 5.000 тона «оқ олтин» етказиб бериш ҳақидаги мажбуриятларини шараф билан бажариш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

А. АЛИЕВ,
М. МИРХУЖАЕВ.
Янгийўл райони.
Б. Сиддиқов фотолари.

Суратда: 4- бригадада терим пайти.

Механизаторлар олган мажбурият—юксак

Бекобод райони пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун курашда район механизаторлари жонбозлик кўрсатиб ишладилар.

Йил бошида районда 138 та трактор-далачилик бригадаси ташкил қилинган эди. Бу бригада аъзоларининг ҳаммаси машҳур пахтакор Ғанишер Юнусов бошлаб берган ташаббусга қўшилдилар. Ҳозирги кунда ана шу бригадалар ҳар гектар ердан 45-50 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилиб, пахта йиғим-теримини кизитиб юбордилар.

Колхоз ва совхозларнинг механизаторлари етиштирилган ҳосилни ёғин-чочинга қолдирмай йиғиштириб олиш учун пухта ҳозирлик кўрдилар. 169 пахта териш машинаси сифатли қилиб ремонтдан чиқарилди. 1-«Боёвут» совхози механизаторлари мавсумда пахта ҳосилининг анчагина қисмини машинада териб бериш юзасидан ажойиб ташаббус бошлаганларидан кейин бекободликлар ҳам юксак мажбурият олдилар. Улар 9200 гектар майдондаги пахта ҳосилини машинада териб олишга қарор қилдилар.

Машина теримига Дзержинский номли колхоз механизаторлари, айниқса, пухта тайёрландилар. 17 пахта териш машинасидан 15 таси колхоз устахонасида механизаторларнинг кучи билан ремонт қилинди. Машина теримига ажратилган ҳамма карталар бегона ўтдан тозаланиб, карта четлари, йўллар текислаб қўйилди. Ҳар бир механик ҳайдовчи учун карталар ажратилиб, бу карталар уларга акт билан топширилди.

Ҳозир механизаторлар 700 гектар майдонда ғўзанинг баргини тўкиш ишларини бошлаб юбордилар. Шунингдек, 1-«Дальварзин» совхози механик-ҳайдовчилари пахтани қисқа муддат ичида нобуд қилмай териб олиш юзасидан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олишди. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли 72 та пахта териш машинаси муддатидан анча олдин ремонтдан чиқаризди.

— Бу йил совхозимизда 3300 гектар майдонда етиштирилган ҳосилни машинада териб оламиз, — дейди 7-бўлимнинг колонна механиги ўртоқ Усмон Юсупов, —шу мақсадда машина теримига ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрдик. Ҳозир агротехника қоидалари асосида ғўза баргини тўкишга киришдик.

Бироқ, 2-«Дальварзин» совхозида машина теримига тайёргарлик кўриш суст олиб борилаётир. Хўжалик бўйича 70 та пахта териш машинаси тайёрланиши керак эди. Бу ишга бепарволик билан қаралганлиги сабабли ўндан ортиқ машина ҳанузгача ремонт қилинмаган. Бунинг сабабини суриштирсак, совхознинг бош инженери ўртоқ Михайлов:

— Запас қисмлар етишмаяпти, нима қиламиз. Йўқни йўқдириб бўлармиди,—деб жавоб берди.

Совхозда киши жуда ажабланадиган ишлар ҳам бор: шу вақтгача машина билан пахтаси териладиган карталарнинг бир қисми маълум эмас. Механизаторлар пахтани иложи борича кўп ва тоза териш юзасидан юксак мажбуриятлар олган бир вақтда совхоз раҳбарларининг бу қадар бепарволиги ажабланарлик бир ҳол, албатта.

Турли хилдаги ремонт ишларини бажаришда совхознинг марказий устахонаси катта роль ўйнаши керак. Афсуски, бу ерда асосий ишларнинг кўпи механизациялаштирилмаган. Устахона учун энг зарур ҳисобланган фрезер станоги йўқ. Ана шу камчиликлар туфайли хўжалик машина теримига тайёргарлик кўришда бошқа колхоз ва совхозларга нисбатан орқада қолиб кетган.

2-«Дальварзин» совхози коллективи машина теримига ўз вақтида пухта ҳозирлик кўрган ўз қўшниларидан ўрнак олишлари, қисқа муддат ичида ишни қайта ташкил қилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни тезда бартараф қилишлари керак.

М. АЛИЕВ.

Сўнгги ахборот

✦ Болгарияда Монархия фашист режими ағдарилиб ташланганлигига ва халқ демократик ҳокимияти ўрнатилганлигинга 15 йил тўлганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов Болгария Халқ Республикасига табрик телеграммаси юбордилар.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор Живков, Болгария Халқ Республикаси Халқ мажлиси президиуми раиси ўртоқ Димитр Ганев ва Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Антон Югов номига юборилган телеграммада КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг гоят самимий табриклари изҳор қилинган.

✦ Совет пойтахти меҳнаткашларининг вакиллари 7 сентябрда Москвага келган тинчлик ва дўстлик поездини каттэ шодлик ва самимий муҳаббат туйғулари билан кутиб олдилар. Бу поездда болгар тинчлик тарафдорлари ва Совет Иттифоқи дўстларидан 300 дан ортиқ киши келди.

✦ Қозоғистон ССРнинг Семипалатинск области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг бўладиган Пленумини муносиб кутиб олиш учун бошланган социалистик мусобақани авж олдириб, галла тайёрлаш юзасидан белгиланган давлат планини муддатидан олдин, 1959 йил 5 сентябрда 101 процент қилиб бажардилар. Ватан омборларига 25 миллион 463 минг пуд галла, шу жумладан 20 миллион пуд қимматли озиқ-овқат экини — буғдой тўкилди.

Областнинг колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда 4,6 миллион пуд дон сотишга аҳд қилдилар.

✦ Кеча Владимир иқтисодий райони Халқ хўжалиги кенгашида саноат корхоналари ҳамда қурилиш коллективларининг етти йиллик фондига пландан ташқари иқтисод учун олиб борган курашига якун ясалди. Янги техника ва технологияни, прогрессив меҳнат усулларини жорий қилиш, маҳсулот единицасига хомашё, электр қуввати ва материаллар сарфлашни камайтириш ишлари жамоатчилик контроли остига олинган эди. Уларнинг ҳаммаси Халқ хўжалиги кенгаши фаолиятининг сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир қилди. Етти ой ичида товар маҳсулотлари таннархини камайтиришда пландан ташқари қилинган иқтисод 83 миллион сўмдан ошиб кетди. Бу — етти йиллик учун олинган социалистик мажбуриятларда белгиланганидан икки баравар кўпдир.

✦ Яқинда Албаниянинг бир қанча районларида ер қимирлаб, аҳоли катта зарар кўрди. Шу оғир табиий офат муносабати билан 7 сентябрда Совет Қизил крестининг раиси вазифасини бажарувчи Н. С. Хмелев Албания Қизил крест жамиятининг раиси ўртоқ Мане Нишовага телеграмма юбориб, Албания Қизил крест жамиятига ҳамда бутун албан халқига чуқур ҳамдардлик билдирди. Телеграмма охирида бундай дейилади:

«Албаниянинг ер қимирлашдан зарар кўрган аҳолисининг аҳволини енгиллаштиришни истаб, Совет Қизил крест ижроия комитети Президиуми моддий ёрдам кўрсатиш учун сизнинг ихтиёрингизга 1.000 дона палатка ва 100 минг сўм пул юборади.

Бизнинг ана шу камгина совғамиз ер қимирлашдан зарар кўрган кишиларнинг қисматини енгиллаштиришга ёрдам беради, деб умид қиламиз».

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1959 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунлик ўсиш	Мавсум бошидан бери
Писсент	0.87	5.50
Боёвут	0.80	4.59
Гулистон	0,91	3.80
Оққўрғон	0.73	3.66
Сирдарё	0.89	3.62
Бўка	0.84	3.42
Бекобод	0.65	3.17
Янгийўл	0.66	2.39
Чиноз	0.59	2.38
Ўрта Чирчиқ	0.70	2.26
Оржоникидзе	0.68	2.17
Юқори Чирчиқ	0.76	1.54
Қуйи Чирчиқ	0.30	1.23

КПСС XXI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРЛАРИ АМАЛДА

Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш—муваффақиятларимиз гарови!

☆ ☆ ☆ ☆

Техникани тараққий эттириш—умумхалқ иши

Партиямиз Марказий Комитетининг июнь Пленуми етти йиллик план топшириқларини тўла ва ортиги билан бажариш — давримизнинг энг муҳим вазифаси деб кўрсатди. Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий қилиш, меҳнатни ташкил этишни тағин ҳам такомиллаштириш давлат планларини муваффақиятли бажаришнинг ҳамда меҳнат унумдорлигини тинмай оширборишнинг муҳим омилидир. Яқинда бўлиб ўтган Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ҳамда ташкилотларининг актив йиғилишида ана шу масалалар муҳокама қилинди.

Докладчи — Тошкент Халқ хўжалиги кенгашининг раиси ўртоқ **З. Эгамбердиев** иқтисодий-маъмурий район олдида турган вазифаларга муфассал тўхталиб ўтди. Етти йиллик мобайнида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш икки баравар кўпаяди. Оғир саноатнинг энг муҳим соҳалари айниқса зўр бериб юксалтирилади.

Иқтисодий район меҳнаткашлари ўз олдиларига қўйилган ана шу юксак вазифаларни муваффақият билан амалга ошириш учун курашмоқдалар. Партия XXI съезднинг тарихий қарорларидан руҳланган саноат корхоналарининг коллективлари ўтган давр мобайнида бирмунча ютуқларни қўлга киритдилар. Халқ хўжалиги кенгашига қарашли корхоналар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 8 ойлик планини 105 процентга етказиб бажардилар. Ўтган йилнинг худди шу давридагига нисбатан 10 процент кўп маҳсулот тайёрланди. Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш бўйича белгиланган топшириқлар ортиги билан бажарилди.

Янги техника, прогрессив технология процессларини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга қаратилган бир қатор муҳим тадбирларни амалга ошириш натижасида ана шундай ютуқлар қўлга киритилди. Шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида Совнархоз корхоналарида 42 та поток ва конвейер линиялари ишга туширилди, 1985 та асбоб-ускуна модернизация қилинди. 19 та агрегат станоклари ишга туширилди, кўпгина технология процесслари механизациялаштирилди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши корхоналарга жуда катта иқтисодий фойда берди ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятини яратди.

Докладчи шу нарсани алоҳида ўқтириб ўтдики, баъзи бир раҳбарлар яни техника ҳақида, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаш ҳақида кўп гапирмоқдалар, лекин амалда эса жуда кам иш қилинмоқда. Шу сабабли Халқ хўжалиги кенгаши бўйича янги техникани жорий этиш плани жуда қониқарсиз бажарилаётир. 1959 йилнинг биринчи ярмида мўлжалланган 213 тадбирдан 122 таси амалга оширилди. Буни қандай баҳоламоқ керак? Партия Марказий Комитетининг Пленуми бу камчиликлар кўп жиҳатдан хўжалик ходимлари ва инженер-техник ходимларда техникага нисбатан консерватизм борлиги, ишлаб чиқаришнинг эски методларига ва меҳнат қуролларига одатланиб қолганликлари, кўпгина хўжалик раҳбарларининг янги техникани жорий қилишдаги қийинчиликларни енгишни истамаётганликлари, ишлаб чиқариш техникасини такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишга давлат нуқтаи назаридан қарамаётганликлари сабабли туғилаётир, деб кўрсатди.

Карборунд заводининг директори Айрапетов ва бош инженери Каменецкий ўртоқлар 9 тадбирдан 7 тасини бажармадилар. Ваҳоланки, корхонада қўл меҳнати билан бажариладиган ишлар ҳажми кўп. «Ташавтомаш» заводида (директори Муталибов, бош инженери Барабашин ўртоқлар) шу пайтгача деталларни иссиқ усулда штамповкалаш методи ўзлаштирилган эмас.

Қувув цехлари машинасозлик корхоналарининг юрагидир. Лекин бизнинг қувув цехларимиз мамлакатимиздаги илғор корхоналарга қараганда ишлаб чиқаришни механизациялаш даражаси жиҳатдан анча орқада қолиб кетмоқда. Ана шу камчиликни тугатиш мақсадида Халқ хўжалик кенгаши қувув цехларини тағин ҳам ихтисослаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш ҳақидаги масалани кўрди ва махсус тадбирларни ишлаб чиқди. Етти йилликнинг охирги йилига бориб қувув цехларидаги ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш даражасини 75—80 процентга етказиш мўлжалланмоқда.

Тошкент Халқ хўжалиги кенгаши корхоналари ҳамда ташкилотлари ходимларининг актив йиғилишидан

<>

Асбоб-ускуналарни модернизациялаш — кам маблағ сарф қилган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Афсуски, бизда бу соҳага етарли эътибор берилмаётир. 1958 йилда Халқ хўжалик кенгаши бўйича 333 та, шу йилнинг биринчи ярмида эса 201 та металл қирқувчи асбоб-ускуна модернизация қилинди. «Ташселмаш» заводида ТН-20 маркали токарлик станокларини модернизация қилиш учун худди шундай янги станокнинг баҳоси миқдорида маблағ сарфланган. Хўш, бундай хўжа кўрсингагина қилинган ишнинг қимга кераги бор? Бу соҳадаги ишларни амалга ошираётганда, асосий эътиборни олинадиган иқтисодий фойдага қаратмоқ зарур.

Докладчи капитал қурилиши масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди. Иқтисодий-маъмурий районда маблағларни кўп объектларга сочиб юбориш каби ярамас практикага ҳали ҳам хотима берилган эмас. Шу сабабли ҳар йили ўнларча миллион сўм маблағ ўзлаштирилмай қолиб кетмоқда. Айрим объектларда қурилиш ишлари узоқ йиллардан бери тамомланмай келаётир. Масалан, Тошкентдаги мой-ёғ комбинати 1949 йилдан бери, Янгийўлдаги ёғ-экстракцион заводи 1952 йилдан бери, Ялангочдаги гишт заводи эса 1954 йилдан бери қурилаётир. Биз республика Госплани билан биргаликда ана шу соҳадаги камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилаб чиқишимиз зарур.

Иқтисодий-маъмурий районимиз корхоналарининг меҳнаткашлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, ишлаб чиқариш процессларини қўшимча равишда механизациялаш ва автоматлаш, илғор технологияни жорий қилиш йўли билан етти йилликнинг йилларига белгиланган капитал маблағларни кўпайтирмаган ҳолда, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича 1965 йил учун белгиланган даражага 1964 йилда эришиш мажбуриятини олдилар. Олинган мажбуриятни бажариш учун бошланган қураш тобора кенг қулоч ёймоқда. Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида ўз сафларига 6 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган 652 бригада коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номни олиш учун курашмоқда.

Музокараларда биринчи бўлиб Оҳангарон ГРЭСининг бош инженери ўртоқ **Бичихин** сўз олади. У айтдики, станция янги техника билан қуроллантиришнинг дозим. Ҳозиргача бу соҳада баъзи бир ишлар қилинди — бир қатор муҳим процесслар механизациялаштирилди ва автоматлаштирилди. Шу билан бирга, зарур асбоб-ускуналар ва материаллар бўлмаганлиги сабабли белгиланган муҳим тадбирлар амалга оширилмай колиб кетмоқда. Кўп меҳнат талаб қиладиган айрим ишлар суст механизациялаштирилмоқда. Домкратлар, автокаралар йўқ.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-техника комитетининг раиси ўртоқ **Уроэбоев** шу нарсани таъкидлаб ўтдики, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак Пленуми қишлоқ хўжалик масалалари билан бир қаторда, қишлоқ хўжалигига машина ҳамда асбоб-ускуналар етказиб берадиган корхоналар ишини ҳам муҳокама қилади.

Пахтачиликдаги ишларни комплекс механизациялашни таъминлаш чоралари ҳақидаги партия ва ҳукуматнинг қарори Халқ хўжалиги кенгаши корхоналарида қониқарсиз бажарилмоқда. Ишлаб чиқилиш лозим бўлган 27 машинадан 8 таси ҳали планга ҳам киритилган эмас. 12 та машинани лойиҳалаштириш соҳасидаги ишлар кечиктирилмоқда. Янги пахта териш ва кўрак териш машиналарини яратиш соҳасидаги ишлар ҳам қаноатланарли эмас.

Конструкторлик бюроларининг иш графикларини қайта кўриб чиқиш зарур. Ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган пахта териш машиналари яратиш соҳасида Халқ хўжалиги кенгаши, республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда илмий ташкилотларнинг куч-ғайратини бирлаштириш керак.

Нотиқ Халқ хўжалик кенгашини янги техникани жорий қилиш суръатларининг сустлиги, шунингдек бир қанча бошқа янги машиналар яратиш соҳасидаги ишларнинг чўзилиб кетаётганлиги учун танқид қилади. Халқ хўжалиги кенгашининг бирор соҳаси ҳам янги техникани жорий қилиш бўйича ярим йиллик планни бажармади. Ўзбекистон металлургия заводида пўлатни узлуксиз равишда таҳсимлайдиган установка қурилиши кечиктирилмоқда. Республика қурилиш министрлиги бу объектда планни бор-йўғи 20 процент бажарган.

Кенгаш қатнашчилари Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси ўртоқ **Светашева** нутқини эҳтиқиш билан тингладилар.

— Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Бишне-волочекли машҳур йигирувчи Валентина Гаганованинг ажойиб ватанпарварлик ташаббуси бутун мамлакатда қизғин қўллаб-қувватланмоқда,— деди у.— Унинг шонли йўлидан борувчилар сафи тобора кенгаймоқда. Бизнинг бригада цехнинг энг яхши комплектида ишлар эди, ойлик топшириқ доим 118-120 процентга етказиларди. Тайёрлаган маҳсулотимиз юқори сортга қабул қилинарди. Лекин биз билан ёнма-ён ишлаётган участкаларда топшириқлар бажарилмай қоларди. Биз ҳаммамиз — бутун бригада ана шундай қолоқ участкаларнинг бирига ўтиб ишлашга қарор қилдик.

Қолоқ участкани кўтариш ўнгай бўлмади. Бутун кучимиз, билимимиз ва малакамизни сарфлаб, астойдил ишладик. Биз ишга ҳаммадан илгари келиб, ҳаммадан кейин кетар эдик. Июнь ойи топширигини 116 процент, июль ойи топширигини эса 125,4 процентга етказиб бажарганлигимизни эшитганимизда, қанчалик хурсанд бўлганлигимизни бир тасаввур этинг-а! Қарийб маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи сортга қабул қилинди. Шундай қилиб, қолоқ участка илғорлар сафидан жой олди. Бригадамиз эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш мақсадида етти йиллик топшириқни беш йил-у, 8 ойда бажариш мажбуриятини олди. Ўз сўзимизнинг устидан чиқиш мақсадида иш суръатини тобора оширмоқдамиз.

Ўртоқ Светашева ишга халақит бераётган камчиликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Турар-жой бинолари етишмаётганлиги сабабли комбинатда ишчилар қўнимсизлиги жуда катта. Болали оналарнинг ишлашлари учун шароит етарли даражада яратиб берилмаган. Жумладан, болалар яслилари ва боғчаларида ҳали ҳам ўринлар кам.

«Ўзбекуголь» комбинатининг бошлиги ўртоқ **Лебедков** Оҳангарон ҳавзасида кўмир қазиб чиқаришни кўпайтириш йўллари ҳақида гапирди. У, Халқ хўжалиги кенгаши ва республика Госплани Оҳангарон ҳавзасидаги корхоналарни янги техника билан етарли даражада таъминламаётганликлари, планлаштиришда жиддий камчиликларга йўл қўяётганликлари учун танқид қилди. Планлаштиришдаги чалкашликлар ҳақида Чирчиқ электркимё комбинатининг инженери ўртоқ Қодиров ҳам сўзлади. Янги объектлар, деди у, зарур асбоб-ускуналар билан таъминланмаётир. Жумладан, мураккаб ўғит ишлаб чиқариш соҳасида худди ана шундай камчиликка йўл қўйилмоқда.

Тошкентдаги лак-бўёқ заводининг цех бошлиги ўртоқ **Лейбкинд** ҳомашё билан таъминлаш соҳасидаги камчиликларни тугатиш ҳақида гапирди. «Таштекстильмаш» заводининг бош инженери ўртоқ **Гриценко** корхонада янги техникани жорий қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Заводда кейинги вақтда бир қанча янги механизмлар ишга туширилди. Бу тадбир техника-иқтисодий кўрсаткичларни янада яхшилаш имконини берди. Механизация соҳасидаги ишларни янада кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш бўйича конструкторлик бюроси ходимларининг сони икки баравар кўпайтирилди, ремонт-механика цехининг механизация бўлими ҳам кучайтирилди.

Шунингдек, музокараларда «Ўзбекхлопкомаш» заводининг директори **Сенягин**, Халқ хўжалиги кенгаши материал-техника таъминоти бошқармасининг бошлиги **Михеев**, «Ташкенткабель» заводининг директори **Сафонов** ўртоқлар ҳам қатнашдилар.

Область партия комитетининг секретари ўртоқ **К. Бекаев** нутқ сўзлади.

Актив йиғилиши Халқ хўжалиги кенгашининг барча саноат соҳаларида янги техникани жорий қилиш тадбирлари планини тасдиқлади.

Йиғилиш ишларида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари **М. Абдураззоқов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари **А. Рудин**, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Ғуломов** ўртоқлар қатнашдилар.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитети Президиуми номига табрик хати қабул қилдилар.

Янгича шароитда

Тошкентдаги кон-қурилиш техникумининг кон факультети студентлари бу йил янгича шароитда ўқиб, ишлайдилар. Партия ва ҳукуматимизнинг ўқишни ишлаб чиқариш билан мустаҳкам боғлиқ ҳолда олиб бориш тўғрисидаги кўрсатмаларига асосан техникумнинг кон факультети Оҳангарон шаҳрига кўчиб келди. Факультетни кончилар шаҳрига кўчириш учун бутун ёз бўйи катта тайёргарлик ишлари кўрилди. Техникум лабораторияси, кабинет ва устахоналаридаги барча асбоб-ускуналар, тажриба машиналари ва аппаратуралар Тошкентдан Оҳангарон шаҳрига олиб борилди. Шундай қилиб, бу ерда назарий билимни амалий иш билан мустаҳкам боғлаш учун қулай шароитлар яратилди.

Бу йилги ўқиш программасида амалий машғулотларга кўпроқ вақт ажратилган. Студентлар ўз мутахассисликларига тегишли фанларни ўрганишда 9-шахта билан доимо алоқада бўладилар, кон ишлари процессларини пухта ўрганадилар.

Техникум ҳузурида ишлаб чиқариш билан банд бўлган, аммо билим олишни истовчи ёшлар учун кечки ва сиртқи бўлимлар очилди.

Ю. ИГНАТОВ.

Студентлар—проводник

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг темирйўлни эксплуатация қилиш факультетида таълим олаётган 3-курс студентлари шу кунларда ишлаб чиқариш практикасини ўтказмоқдалар. Студентлар темирйўл қоидаларни ва сигнализация масалаларини 15 кун давомида амалий жиҳатдан пухта ўргандилар. Бунинг учун уларга вагон проводниги номи берилди.

Ҳозиргача практикантлар Тошкент — Москва поездида икки марта Москвага бориб келдилар. Студентлар Тошкент темир йўлида пассажирлар ташишни кўпайтириш тўғрисида темир йўл коллективи олган мажбуриятни бажаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

М. СУЛТОНОВ.

„Ипак“

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий-техника пропагандаси комитети ва илмий-техника информацияси институти «Ипак» деб аталган бюллетенинг биринчи сонини чиқардилар. Бюллетень ўзбек ва рус тилларида бўлиб, унда республикада ипакчиликнинг ривожланиши, республика пиллакашлик саноатининг тараққиёти, илғор корхоналар ва колхозларнинг яхши тажрибалари тўғрисида материаллар босилди.

Бу бюллетень илмий-техника информацияси серияларидаги биринчи китобдир. Яқин кунларда институт «Пахтачиликнинг механизациялаш» ва «Пахтачилик саноати» номли бюллетенларнинг ҳам биринчи сонларини чиқаради. (ЎзТАГ).

Суратда: (чапдан) тепловоз машинистлари В. Немудров ва Ю. Тўлаганов ўртоқлар.
М. Комлев фотоси.

ЕТТИ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ЮКСАК МУКОФОТ

Тепловоз зўр куч билан дала боғрини кесиб борарди. Бу оғир юкли составни Тошкент тепловоз депосининг донгдор машинисти Немудров бошқариб бораётир. У 1949 йилдан бери тепловозларда ишламоқда. Уша вақтда бу ерга келтирилган ТЭ-1 маркали тепловозни бошқаришни биринчи бўлиб ўзлаштирган ҳам шу Василий Николаевич эди. У ТЭ-2 ва қудратли ТЭ-3 тепловозларини ҳам биринчилар қатори ҳайдай бошлади.

Донгдор машинист босиб ўтган темир йўл изи узунлигини ҳисоблаб чиқиш жуда қийин. У бошқарган 2 мингдан ортиқ оғир юкли поездлардагина 6 миллион тоннадан кўпроқ турли хил халқ хўжалиги юклари ташилди. Бу, машинистнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Биз Василий Николаевич билан суҳбатлашдик.

— Ишим ҳақида нимани ҳам гапириб бера олардим, — деди у. — Мен ҳам бошқа касбдошларим сингари меҳнат қилаяпман, улардан ортиқча жойим йўқ.

— Василий Николаевичимиз жуда ажойиб, камтарин, солда киши-да,— сўзга аралашди Тошкент тепловоз депоси бошлиғининг эксплуатация бўйича ўринбосари С. В. Федоровский. — У, ўзи ҳақида гапиришни ёмон кўради.

Серафим Вуколович Федоровский бу донгдор машинист ҳақида батафсил, зўр ғурур билан гапиракетди. Илгарилари энг уста машинистлар ҳам 2 минг тоннадан ортиқ юкли поездни бошқара олмас эди. Василий Николаевич эса биринчи бўлиб 4 минг тоннагача оғирликдаги составларни бошқара бошлади. Донгдор машинистнинг бу қимматли ташаббуси бошқа касбдошлари орасида ҳам кенг ёйилди.

Ёки яна бир мисол. Ўтган йилдан бошлаб депо ТЭ-3 маркали локомотивларни ола бошлади. Бундай тепловозлар шу вақтгача фойдаланиб келинаётган тепловозларга нисбатан анча кучли, уни бошқариш ҳам мураккаб. Бу ерда ҳам Немудров таҳаббус кўрсатди.

Ҳозир депомизда тепловоз бригадаларининг иши смена асосида ташкил этилди. Илгари эса ҳар бир бригада маълум бир машинага биркитиб қўйиларди. Бу кўрсаткичларни яхшилашга тўсқинлик қиларди. Масалан, тепловоз ремонт қилинадиган бўлса, уни бошқарадиган бутун бригада аъзолари ҳам бекор турар эди. Донгдор машинист ўртоқ Немудров меҳнатни ташкил этишдаги бундай практикага хотима бериш зарурлигини кўрсатди. Унинг ташаббуси билан тепловоз бригадалари смена асосида ишлай бошладилар. Бу, машиналардан фойдаланишни яхшилаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тепловозларнинг бекор туриш вақтларини камайтириш имконини бераётир.

Бундан ташқари Василий Николаевич коллектив меҳнатининг унумли бўлишига қаратилган жуда кўп янги таклифлар билан чиқди. Унинг ташаббуси билан тепловоз бригадалари илгариги уч кипи ўрнига икки кишидан ташкил топди. Бунинг натижасида 160 машинист ёрдамчилари бошқа ишларга ўтказилди. Бу тадбир ҳар йили давлатнинг деярли 1 миллион сўмлик маблағини тежаб қолишни таъминлайди.

Василий Николаевич Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати қилиб сайланди. Бундан ташқари, у локомотив бригадалари партия ташкилотининг секретари вазифасида ҳам ишламоқда. У, жамоат ишларини сидқидиллик билан бажараётир.

— Василий Николаевич ўз ишининг ажойиб устаси, дейди депо бошлиғи ўртоқ Б. Халилов. — У, деярлик 40 йилдан бери ўзи севган оғир ва шарафли касба ишлаб келаётир. У, биринчи класс машинисти сифатида тепловозчилар малакасини оширишга катта ёрдам бермоқда, ўзининг кўп йиллар давомида орттирган бой тажрибасини ёш ишчиларга қунт ва сабот билан ўргатаётир.

... Депо бошқармаси биноси фасадини тўсиб турган қуюқ дарахтлар тагидаги йўлкадан икки киши гапиришиб келарди. Булар устоз Василий Николаевич Немудров ва шогирд Юнус Тўлагановлар экан. Юнус Тўлаганов бир неча йилдан бери машинист бўлиб ишлаб келмоқда. У эндиликда устози каби депонинг пешқадам кишиларидан ҳисобланади. Василий Николаевич ўзининг бу шогирдидан жуда хурсанд. Ўртоқ Немудров тарбиялаб, воғга етказган донгдор машинистларни Тошкент темир йўлининг барча бўлинмаларида учратиш мумкин.

Устоз ва шогирд депо бошқармаси биносига яқинлашиб қолганларида ўнлаб ишчилар уларни ўраб олдилар. Темирйўлчилар табриклаймиз-табриклаймиз, деб устоз ва шогирднинг қўлларини бирин-кетин қисишар эди. Ҳа, шу куни Василий Николаевич ва Юнус Тўлаганов ҳаётида катта воқеа бўлди. Кўп йиллик фидокорона меҳнати учун донгдор машинист Немудровга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди, шогирди эса Ленин ордени билан мукофотланди.

Шу кунларда пешқадам машинистлар бу юксак мукофотга жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

Б. ТОҲИРОВ.

Касаба союз ташкилотига партия раҳбарлиги кучайтирилмоқда

Янгийўл гишт заводлари бошқармаси касаба союз ташкилоти ҳисобида бир неча юз ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлар туради. Бошқарма касаба союз комитети коллектив ўртасида етти йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тобора кучайтирмоқда, ишчи ва хизматчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида ибратли ишлар қилмоқда.

Бу бечиз эмас. Завод партия ташкилоти касаба союз комитети фаолиятини активлаштириш, унинг роли ва таъсир кучини ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Ўтган етти ой мобайнида касаба союз комитети фаолияти партия бюроси мажлисида икки марта ва умумий партия йиғилишида бир марта муҳокама қилинганлигининг ўзи ҳам бунинг далилидир.

Бундан ташқари партия бюросининг аъзолари касаба союз маҳаллий комитети аъзолари билан тез-тез суҳбатлашиб, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиб турадилар, партия бюроси ва партия йиғилишининг касаба союз ташкилоти ишини яхшилашга қаратилган қарорлари қандай бажарилаётганлигини контроль қилиб борадилар.

Партия бюроси билан касаба союз комитети социалистик мусобақани авж олдириш мақсадида қатор тадбирлар белгиламоқда. Мусобақанинг бориши «Молния»лар, «Жанговар варақа»лар, деворий газеталарда ёритиб борилади. Унинг натижалари доимий ишлаб чиқариш кенгашларида, сменалар ҳамда завод коллективларининг умумий йиғилишларида муҳокама қилиб турилади.

Буларнинг ҳаммаси самарали натижа бермоқда. Бошқарма бўйича етти ойлик план 104,6 процент қилиб бажарилди, пландан ташқари 1 миллион 14 минг дона пишиқ гишт ва 14 минг шартли квадрат метр черепица ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ўтган йилнинг етти ойидагига нисбатан 7,8 процент кўпайди ва 1960 йил учун белгиланган даражага бу йил июнь ойининг ўзидаёқ эришилди. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш, мавжуд ускуналардан ва материаллардан самарали фойдаланиш, иш процессларини механизациялаш ва автоматлаш йўли билан етти ой мобайнида 1 миллион 554 минг сўм ёқи белгиланганидан 188 минг сўм кўп фойда кўрилди.

Бундай юқори кўрсаткичларга эришишда касаба союз активларидан Мўминов, Миргалиев, Помаков ўртоқлар сингари мастерларнинг сменалари зўр ташаббускорлик кўрсатдилар. Ўртоқ Юрченко бошчилигидаги 1-завод коллективи бошқарма корхоналари ўртасидаги мусобақада йил бошидан бери биринчиликни қўлдан бермай келаётир.

Касаба союз комитети коммунистик меҳнат зарбдорлари ва бригадалари ушвонини олиш ҳаракатини кучайтириш учун ҳамма воситаларни ишга солмоқдалар. Ҳозир бошқармада 8 та бригада шу юксак ушвон учун курашмоқда. Бу бригадалар аъзолари ўз аҳдларига эришиш учун сабот-матонат билан курашмоқдалар. Улар ҳар ўн кунда тўпланиб, ўз ишлари ва ўқишларининг боришини муҳокама қиладилар, кимга қандай ёрдам бериш кераклигини белгилайдилар.

Иш шу тарзда олиб борилаётганлиги учун ҳам бу бригадалар ойлик топширикни 150-180 процентдан бажариб келмоқдалар. Завод касаба союз комитети уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, рағбатлантирмоқда ҳамда илғор тажрибаларни кенг оммалаштирмоқда.

Касаба союз комитетининг турли соҳалар бўйича тузилган комиссиялари фаол ишламоқда. Ишлаб чиқариш-оммавий комиссияси смена ва бригадалар ўртасида социалистик мусобақани қизитиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, иш вақти ва ускуналардан унумли фойдаланиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш сингари ишлар билан кун сайин шуғулланмоқда. Бу комиссия аъзолари ўз ҳуқуқларидан тўла фойдаланиб, маъмурият фаолиятини мунтазам контроль қилиб бормоқдалар.

Уй-жой ва маиший комиссия аъзолари ишчи ва хизматчилар квартираларини ремонт қилиш, янги уй қуриш, шунингдек гиштчиларга маданий-маиший хизматни яхшилаш учун актив кураш олиб бормоқдалар. Бу комиссия ёрдами билан кўп ишчиларнинг уйлари ремонт қилиб берилди, бошқармада умумий овқатланиш яхшиланди.

Меҳнат ва маош масалалари билан шуғулланадиган комиссия ишчилар манфаатини қатъият билан ҳимоя қилиб келмоқда. Бу комиссия аъзолари ходимларга ўз вақтида меҳнат отпускаси берилиши, ишчи ва хизматчиларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, меҳнатни тўғри ҳисобга олиш ва тўғри баҳолаш масалалари билан шуғулланадилар. Яқинда Островский, Тернов ва Триулях ўртоқлар олишлари лозим бўлганидан кам иш ҳақи берилгани тўғрисида комиссияга ариза бердилар. Комиссия текшириб кўриб, маъмурият бу ишчиларга белгиланганидан кам ҳақ берганлигини аниқлади ва ишчиларнинг ҳақини ундириб берди.

Касаба союз комитетининг оммавий-маданий ишлар бўйича комиссияси ҳам кўп ишлар қилмоқда. Бу комиссия йил бошидан бери Тошкентга 7 марта маданий юриш ўтказди. Ишчи ва хизматчилар Горький номли театрда, кенг экранли кино-театрда, Комсомол кўлида, ҳайвонот боғида ва пойтахтнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўлиб, маданий дам олдилар.

Корхонанинг икки клуби ҳузурида бир неча хил тўгараклар ишлаб турибди. Айниқса бадиий ҳаваскорлик тўгараги яхши ишламоқда. Бу тўгарак қатнашчилари коллективга тез-тез концерт кўрсатиб турадилар. Бундан ташқари клубда ишлаб чиқариш илғорлари, фан, санъат ва маданият арбоблари билан учрашувлар, қизиқарли кечалар ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, гишт заводлари бошқармаси касаба союз комитети партия ташкилоти раҳбарлиги остида тўла фаолият билан ишлаб, коллективнинг меҳнат активлигини ошириш, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида тақдирга сазовор ишлар қилмоқда.

О. ҚУРУМБОЕВА.

Атоқли Совет кимёгари



Александр Николаевич Несмеянов совет фанининг кўзга кўринган арбобларидан ва илмий-текшириш ишларининг йирик ташкилотчиларидан биридир. У органик металлар кимёси билан шуғулланувчи совет олимлари мактабининг бошлиғи ва Несмеянов диазо-методи деб аталган синтез методининг кашфиётчиси сифатида бутун дунёга машҳурдир.

1922 йилда Москва Давлат университетини тамомлаган Несмеянов МГУда кўп вақт илмий тадқиқот ишлари олиб боради ва 1935 йилда профессор бўлади. Несмеяновнинг иштироки ва ташаббуси билан 1934 йилда органик металл бирикмалари лабораторияси ташкил қилинади.

Александр Николаевич асосан органик металл бирикмалари кимёси соҳасида тадқиқотлар олиб боради. У 1939 йилда симобли органик бирикмаларни диазометод йўли билан синтез қилиш усулини таклиф қилади. Бу соҳада ўзи ва ҳамкасблари жуда кўп текширишлар олиб бориб, таркибида қалай, қўрғошин, таллий, сурма, висмут сингари металл бўлган органик бирикмаларнинг фанга маълум бўлмаган кўпгина хоссаларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Несмеянов кўп йиллик самарали илмий тадқиқотлари натижасида бир қатор муҳим бирикмаларнинг таркибини анализ қилиш, уларнинг бир-бирига боғланиш қонуниятини аниқлаб беришга муваффақ бўлди. У бир қатор моддаларнинг емирилиш механизмини ўрганиб чиқди. Несмеянов органик бирикмаларни синтез қилиш соҳасида олиб борилган ҳамма тадқиқотларни ўрганиб, системалаштириб ва умумлаштириб, катта илмий монография ёзди. Металли органик бирикмалар соҳасидаги катта тадқиқотлари учун 1943 йилда Сталин мукофотига сазовор бўлди. Атоқли олим моддалар таркибини ўрганиш соҳасидаги кўп йиллик ажойиб тадқиқотлари натижасида кимёвий тузилиш назариясига билимларни ривожлантирадиган бир қатор янгиликларни майдонга ташлади.

Александр Николаевич Несмеянов Москва Давлат университетининг янги биносини қуришни ташкил қилиш ишларида актив қатнашди. У 1948—1951 йилларда жаҳонга ажойиб олимларни етиштириб берган ана шу университетга ректорлик қилди. Олим 1951 йилдан буён СССР Фанлар Академиясига Президентлик қилиб келмоқда. Совет фанини ривожлантиришда катта хизматлар қилган А. Н. Несмеянов СССР орденлари ва медаллари билан мукофотланган.

Совет халқи бугун ажойиб олим халқаро тинчлик ҳаракатининг актив курашчиси Несмеяновнинг 60 ёшга тўлганлигини қувонч билан нишонлайди.

Умумий овқатланиш тармоқлари кенгаймоқда

Республикамизда 6 мингдан ортиқ жамоат назоратчилари иштирокида ошхоналар, ресторанлар, кафе, буфет ва чойхоналарнинг иши кўриклан ўтказилди. Назоратчилар активи умумий овқатланиш корхоналарида тайёрланаётган таомларнинг сифат ва хилини текширдилар, хўрандаларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганиб, бир қанча нуқсонларни йўқотишга эришдилар. Ана шу фойдали текширишдан сўнг республикада янги ошхоналар қуриш ва яхши хизмат кўрсатишда прогрессив формалардан кенг фойдаланиш жорий қилина бошланди.

Кўриклан сўнг Ўзбекистонда 127 та доимий, 300 га яқин мавсумий ошхона ва чойхона очилди. 11 та корхонада кулинария маҳсулотлари ва ярим фабрикатлар тайёрлана бошланди. Актив назоратчиларнинг талаби билан кўпгина ошхоналар биноси капитал ремонтдан чиқарилди, ошхоналарга янги ускуналар ўрнатилиб, овқат пишириш процесси электрлаштирилди ва газлаштирилди.

Китоб ойлиги яхши ўтди

Республикамизда, шу жумладан Тошкентда китоб ойлиги жуда яхши натижалар билан якунланди. Бир ой давомида Театр, Калинин, Бируний ва Куйбишев майдонлари ҳамда тўқимачилар маданият саройи ҳузурида китоб бозорлари ишлаб турди. Бу бозорларда техника, бадиий адабиёт, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий фанлар ва бошқа соҳага оид адабиётлар кўплаб сотилди. 6 та автолавка Тошкент тўқимачилик комбинати, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи, «Подъёмник» заводи ва 1-пойафзал фабрикаси ҳамда бошқа корхоналар ишчи-хизматчиларига маданий хизмат кўрсатди.

Китоб ойлиги давомида китобхонлар билан шоир ва ёзувчиларнинг учрашувлари ҳам ўтказилди. Масалан, «Победа» паркида шоир Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин ва бошқа қаламкашлар билан бўлган китобхонлар учрашуви ҳаммада яхши таассурот қолдирди. Учрашувга келган ёзувчилар китобхонлар билан самимий суҳбатда бўлиб, уларга ўзлари ёзган янги асарларидан ўқиб бердилар.

Бир ой давомида Тошкентда қўшимча равишда 300 минг сўмлик китоб сотилиб, белгиланган план 110 процент қилиб бажарилди.

Областнинг Чирчиқ, Бекобод, Оҳангарон ва бошқа шаҳарлари ҳамда районларида ҳам китоб ойлиги муваффақиятли ўтди.

У. ШАРОПОВ.

600 ўқувчига „СССР туристи“ ва „Ёш турист“ значёги берилди

Тошкентдаги республика болалар экскурсия-туристик станцияси ҳар йили ёзги каникул вақтида мактаб ўқувчилари учун қизиқарли поход ва экскурсиялар уюштиради. Бу тадбирларда қатнашган ўқувчилар беполён Ватанимизнинг табиат бойликлари, обод ва гўзал шаҳарлари, машҳур тарихий жойлари билан танишадилар.

Бу йилги каникул вақтида уюштирилган поход ва экскурсияларга 2300 дан ортиқ ўқувчи қатнашди. Улар республикамизнинг турли областларига саёҳат қилибгина қолмай, иттифоқимиз бўйлаб ҳам сайрга чиқдилар. Москва, Қрим, Рига, Кавказ, Ленинград, Киев ва бошқа жойлар ўқувчиларда жуда катта унутилмас таассурот қолдирди.

Юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган бир группа туристлар Фарғонадан йўлга чиқиб 300 километр масофани 7 кунда босиб ўтиб, Бўстонлиқдаги тоғ туристик лагерга етиб келдилар. Бу поход илғорлари учун 3 та мукофот белгиланган эди. Тошкент шаҳар ўқувчилари 1,5 минг сўмлик биринчи мукофотни, бухороликлар минг сўмлик иккинчи мукофотни, Тошкент области вакиллари эса 500 сўмлик учинчи мукофотни олишга муяссар бўлдилар.

Поход ва экскурсиялар охирида юқори синф ўқувчиларидан 600 кишига «СССР туристи» ва «Ёш турист» значёклари берилди.

Бу йилги қишки каникул вақтида ҳам туристик поход уюштириш мўлжалланмоқда. Тажриба тариқасидаги походга 10 кишидан иборат группа қатнашади. Ана шулар учун экскурсия-туристик станция ҳозирданоқ 10 та чанги заказ қилиб қўйди. Бўлажак қишки поход яхши натижа берса кейинчалик уни кенгроқ ташкил қилиш мўлжалланмоқда.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Газеталар хабар қиладиларки...

1600 ИШЧИ КУНИ ТЕЖАЛДИ

Ленин номли колхозда «СКГ-2,6» маркали маккажўхори ўриб, силослайдиган комбайн сотиб олингач, иш юришиб кетди. Колхозчилар чорва моллари қишлови учун кўпроқ озуқа тайёрламоқдалар. Ўтган йили чорвадорлар силос тайёрлашни 53 иш кунида тамомлаган эдилар. Бу йил улар комбайндан унумли фойдаланиб, 35 кун ичида 1958 йилга қараганда анча кўп силос тайёрладилар ва 1600 ишчи кунини тежашга муваффақ бўлдилар.

(«Янгиёл» — Янгийўл).

АГИТАТОРЛАР МАКТАБИ

Кимё комбинати партия комитети ҳузурида агитаторлар мактаби ташкил қилинди. Мактабга корхонадаги 50 дан ортиқ агитатор жалб этилди. Улар ҳар ҳафтанинг душанба кунларида машғулотларга қатнашиб, назарий билимларини ва агитаторликдаги маҳоратларини оширмоқдалар.

Сўнгги машғулотларда агитаторлар «КПСС — XXI съездининг қарорлари — иш программамиз», «Кимё саноатида меҳнат ва маош» деган темаларда лекция тингладилар. Лекцияларни шаҳар партия комитетининг масъул ходимлари, корхона раҳбарлари ўқимоқдалар.

(«Ленин йўли» — Чирчиқ).

ЯНГИ ИШЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ

Бу шаҳарча ўрни бундан бир неча йил олдин бўмбўшчўл эди. Шунга қарамай Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида «Фарҳод ГЭС» энергетиклари ертўлаларда, қамиш ёпилган уйларда яшаб самарали ишладилар. Эндиликда бу ерда шаҳарча бунёдга келди. Чўл таниб бўлмас даражада ўзгарди. Ертўлалар ўрнида ёруғ тураржой бинолари қад кўтарди. Энергетик номли ва бошқа кўчаларда ўнлаб усти шифер билан ёпилган уйлар қурилди. Ҳозир шаҳарчанинг ҳамма турар-жой бинолари қайта ремонт қилинмоқда. Йил охиригача 20 дан ортиқ тураржой биноси қурилиб, ремонтдан чиқарилади. Яқин вақтда шаҳарчада водопровод ҳам қурилади.

(«Рабочий Беговата» — Бекобод).

ГЎШТ СЕРОБ БЎЛДИ

«Коммунизм» колхози правлениесининг ташаббуси билан бу ерда гўшт билан савдо қиладиган дўкон қурилди. Ҳозир дўконда арзон баҳода мол гўшти, қўй гўштлари сотилиб турибди.

Қишлоқ хўжалик артелида гўшт дўконининг ташкил қилиниши район колхоз бозорида чакана гўшт сотишнинг кескин равишда арзон бўлишига сабаб бўлди.

(«Пахта учун» — Боёвут).

Бўстонлиқ районида

ЯНГИ ОШХОНА ВА МАГАЗИНЛАР

Райондаги Искандар ва Ғазалкент посёлкаларида яшовчи аҳоли учун маданий-маиший хизматни янада яхшилаш тадбирлари кўрилмоқда. Сўнгги вақтларда бу ерда иккита ошхона ва 4 та озиқ-овқат ва саноат моллари магазинлари очилиб, ишга туширилди.

ТЎҚИМАЧИЛАР САНАТОРИЙСИ

Хондайлиқ қишлоғининг хушманзара ва баҳаво жойида Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг ишчи ва хизматчилари учун доимий санаторий қурилди. Бу ерда яхши дам олиб, саломатликни мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратилган. Санаторий ишга бошлагандан бери комбинат меҳнаткашларидан 200 га яқин киши бу ерда ҳордиқ чиқарди.

Э. ТУРКМЕНОВ.

Адабиёт саҳифаси

Сайр этарман

(Тошкент телевизори ҳақида)

Гўзал республикамизнинг пойтахти,
Муаззам давлатимиз кўрки, бахти,
Бу пойтахт Тошкентдир, Тошкендир,
Жаҳон аҳли тамоша қилса арзир.
Навоий кўчасига қил назора,
Бу ерда қад кўтаргандир манора.
Эмас эски манора, балки янги,
Қизил юлдузга ўхшар тунда ранги.
Жаҳон ойнасидан бир нишондир,
Эмас афсона кўзларга аёндир.
Бу ҳонон асраган оина эрмас,
Бу — Ширин суратига хос бўлмас.
Бу кўзгуда жаҳон ширинлари бор,
Уларга ҳамманинг таҳсинлари бор.
Агар юз очса, Тошкентда гўзал қиз,
Жамолини кўрар ҳаттоки Термиз.
Унинг экранида кино-театр,
Унинг экранида ҳурматли шоир.
Унинг экранида Ленининг акси,
Унинг экранида қизларнинг рақси.
Унинг экранида янграйди ялла,
Унинг экранида пахта ва ғалла...
Унинг экранида тарих сўзлар,
Унинг экранида ёрқинлик кўзлар...
Унинг экранида илму-адолат,
Унинг экранида ишқу-муҳаббат.
Унинг экранида «Ҳамза» намоён,
«Навоий»-ю, «Муқимий» ҳам ғазалхон.
Унинг экранида Африка сўзлар,
Асоратда қорайган нурли юзлар...
Унинг экранида Робсоннинг куйи,
Унинг экранида колхозчи тўйи.
Унинг экранига кўзим тикарман,
Улуғ юртимни шодон сайр этарман.

М. ВАСФИЙ.

ФАРЗАНД

Ўйнаб юриб, жажжи Мирсоли,
Иситмалаб қолибди қаранг.
Юришга ҳеч келмасди ҳоли,
Уйга кирди мажолсиз, аранг.
Улфат хола уни кўрибоқ
Рангги ўчди, сўради дарҳол:
— Нима бўлди, дўндиғим,
сенга,
Юз бердими бирор нохуш ҳол?..
Кроватга ётқазиб ўғлин,
Елиб кетди врач опага.
Энтиккандан дилда борини,
Зўрға-зўрға солди ўртага.
Врач келди, бетобнинг шу он,
Иссиғини ўлчади: ортиқ.
Дори берди, сўнгра онага —
Деди:кўрқманг, тузалар аниқ.
Она қалби изтироб чекар,
Фарзандидан узмас кўзини.
Устин ёпар, бошини силар,
Бетоб сезар, у ҳам ўзини.
Эртасига ўғлига боқиб
Улфат хола чексиз севинар.
Арзандаси, бахти, фарзанди,
Шифо топиб, аста жилмаяр.

Зокир ҚУРТНЕЗИРОВ.

ПОЛИЗ

Полизда ғарқ пишган тарвуз, қовунлар
Узишга мунтазир кўкча, ананас.
Сайр этиб чиқсак дам олиш кунлари
Хуш ҳиддан думоғлар нақ бўлгудай маст,
Карвон чўккан каби мана пуштада
Етибди қузивой, чиниқ тарвузлар,
Даврага бош бўлиб шу понуштада
Нуроний соҳибкор — мезбон чол сўзлар;
— «Бизнинг қовунларнинг тарихи катта,
Сизга айтиб бersам мен бунинг сирин,
Ҳар маҳал ҳамма гап экан меҳнатда,
Меҳнат қилиб ейиш бўларкан ширин».
Полизга йўл олиб жилмайиб деҳқон.
«Қани танланг, — дейди, — кўрайлик баҳам»
Даврада қовунлар, дала дастурхон,
Бизни дастурхонга ундар чол шудам.

Зиёд КОМИЛОВ.

Нақадар гўзалсан азиз Ватаним,
Тупроғингда ўсиб улғайди таним.
Яшнаб, кўркам боғу-бўстонларингда,
Коммунизм сари бормоқда халқим.

Қ. Аҳмеров фотоэтюди.

(ОЧЕРК)

„Оқ олтин“ меҳри

Парторг Эшонқулов барвақт уйғониб, тўғри Санобар опа даласига келди. Шийпонда теримчилар эгат оралашга тараддуд кўрар эдилар. Улар орасида гуллик штапель кўйлагининг енгини тирсагигача шимариб олган ўрта бўй, қорачадан келган аёл у ёқдан-бу ёққа елиб-югурарди. Бу — бригада бошлиғи Санобар опа Абдуқодирова эди. У, анча нарида келаётган парторгни кўриб, теримчиларга «қани тезроқ теримга тушинглар, мана парторг ҳам келиб қолди» деди.

Қоп-қанор кўтарган, белига этак боғлаган теримчилар уватда қаторлашиб бораётиб, Эшонқулов билан саломлашдилар ва картанинг кунгай томонига ўтиб кетдилар.

Санобар опа парторгни шийпон ёнидаги хирмонда кутиб олди. Кимдир биринчи этакни тўлдириб, сутдек кўпчиб турган «оқ олтин»ни тўкиб кетганди. Эшонқулов саломаликдан кейин теримга керак бўлган ҳамма нарсани бирма-бир суриштириб чиқди.

Санобар опа атрофга хушнуд қараб олиб, сўнг жавоб қайтарди:

— Ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганмиз. Тош-тарози ҳам, от-улов ҳам, этак ва қоп-қанорларни ҳам керагича келтириб олганмиз. Энди гап ўзимизда қолган. Бўшашмасак, бошқалардан кейинда қолмаймиз.

Пахтазордан теримчиларнинг хушчаққак гурунги эшитилди. Кимдир қоп сўраяпти. Икки қиз ҳаммадан ўзиб кетиб, олдинда гир айланиб пахта тераяпти. Эшонқулов билан Санобар опа теримчилар томон йўл олишди. Эгат оралаб борар экан, бир хилда етилиб пишган ва бирин-кетин очилаётган кўсакларни кўриб руҳи енгил тортарди. У, кўсакларни оппоқ очилган сершох гўза тупи олдида тўхтаб қолди.

— Қаранг, қандай чаман бўлибди,— деди парторг ўз хурсандчилигини изҳор этиб.

Бригадир ҳосилнинг барвақт етилганлигидан мамнун бўлган парторгнинг сўзига қандай жавоб беришни билолмай, ўйланиб борарди. У, пахта иши — деҳқончиликда энг кўп меҳнат талаб қиладиган иши эканлигини, ҳосил тақдирини фасл ёки ойлар эмас, балки кунлар, соатлар ҳал этишини яхши биларди. Парторг ҳозир тўқ кўсакларни тилга олди. Санобар опа бунинг сирини ўйлаб нимагадир пахта йиғим-терими олдидан правлениеда бўлган йиғилишни эслаб кетди.

... Правление хонасида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Лекин йиғилиш ҳали давом этарди. Бу ерда правление аъзолари, коммунистлар ва бригадирлар йиғилишиб, пахта йиғим-теримига тайёргарлик кўриш ва чеканкани қисқа муддатда ўтказиш масаласини муҳокама қилмоқдалар. Йиғилишда чеканкани ўтказиш ва теримга тайёргарлик сўст эканлиги қайд этилди. Санобар опа сўз сўради. У, ўрнидан туриб, ўтирганларга бир қараб олиб, сўнг юрагида пайдо бўлган ўз мулоҳазаларини баён этди:

— Бу ерда чеканка ва теримга тайёргарлик талабга жавоб бермаслиги ҳақида сўз борди. Бу жуда тўғри. Лекин бунинг сабаблари ҳақида аниқ фикр бўлмади. Мен ана шулар тўғрисида гапирмоқчиман. Тайёргарликнинг сустлиги ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси дала меҳнатига жалб қилинмаганлигидан келиб чиқмоқда. Чеканканинг фойдасию-қоидасини ҳаммамиз яхши биламиз. Ҳамма бригадаларда ёппасига чеканка бошламоқ керак. Ер шароитимиз маълум, гўзаларимиз анча ўсиб кетди. Мен чеканкани эртадан бошлашни ва дала юзини кўрмай келаётган баъзи бировларни чеканкага чиқаришни талаб этаман. Бундай кишилар ҳар бир бригадада топилади.

— Кимлар улар, мисол келтириб айтилсин!— деди кимдир бурчакдан.

— Айтаман,— деди Санобар опа ва президиумда ўтирганларга кўз қирини ташлаб, сўзида давом этди, — улар ҳаммамизга маълум: биринчиси қўшним — рансимиз Эргаш аканинг хотинлари . . . умуман, кўпчилик активларимизнинг хотинлари негадир ишга чиқмайдилар.

— Чиқмаганларининг сабаби бор, улар икки-уч болалик,— деди Эргаш ака ганга аралашиб.

Санобар опанинг қошлари чимирилди ва раисга қараб: — Менинг ҳам тўққиз болам бор, лекин мен бир кун ҳам даладан қолмайманку! — деди.

Бу қатъий ва ўринли жавоб йиғилишгаларни мулоҳазага қўйиб, уларга қаттиқ таъсир қилди. Ҳақиқат кўп болали она Санобар опа томонида эди. Унинг талаби билан ишга яроқли кишиларнинг ҳаммаси долзарб кунларда далада бўлишлари ҳақида қарор қабул қилинди. Оналар болаларини боғчага қўйиб, дала юзини кўрадиган, унинг қизғин меҳнатига қўшилиб бўлиб қолдилар. Бунинг натижасида ҳамма бригадаларда чеканка қисқа вақтда тамомланди. Йиғим-теримга пухта тайёргарлик кўрилди.

Мана бугун қишлоқдаги деярлик ҳамма кишини этак тутиб далаларда пахта тераётганини кўрасиз. Чеканка ҳам барвақт ўтказилганлиги туфайли гўзаларнинг ҳосил қуввати ошиб, кўсаклари тез етилиб пишди. Парторг Эшонқулов ҳозир шигил очилган кўсакларга қараб, ўша қизғин ўтган йиғилишни эслаб борарди.

— Бу ерларнинг пахтасини қаранг, ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кутариш ҳеч гап эмас,— деди парторг азамат бригадирнинг ишидан мамнун бўлиб.

— Биз Октябрь байрамини ҳосил байрами билан кутиб олишга аҳд қилганмиз. Бригаданинг сўзи сўз. Байрамгача қирқ центнердан совға тайёрлаб, Ватанга рапорт берамиз. Бу етти йиллиқдаги аҳдимизнинг тўнғич иши бўлади, — деди бригадир.

Эгатларда пахта тўлдирилган қанорлар оқариб кўринди. Бу — бригада ваздасининг дастлабки нишонаси эди.

Санобар опа белига этак боғлай бошлади. Эшонқулов у билан хайрлашиб, бошқа бригадага йўл олди. Эшонқулов йўл-йўлакай «бригада албатта ўз сўзининг устидан чиқади. Ҳалол меҳнатнинг олтин роҳати ана шундай келади» деб ўйлаб борарди.

Шароф ОТАМУРОДОВ.

Сирдарё области, «Коммунизм» колхози.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда жамоатчилик ролини оширайлик

СССР Олий Совети иттифоқчи республикаларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тўғрисида партия XX съездининг кўрсатмаларига ҳамда тўртинчи чақириқ СССР Олий Совети олтинчи сессиясининг қарорларига мувофиқ, 1958 йил 25 декабрда ССР Иттифоқи ва иттифоқчи республикалар жиноят қонунлари асосларини ва жиноят-судлов ишларини юргизиш асосларини, ССР Иттифоқи, иттифоқчи ва автоном республикалар суд тузилиши асосларини қабул қилган эди. Будар маҳаллий хусусиятларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб ва барча совет республикалари учун қонунчиликнинг бирлигидан иборат ленинчи принципга риоя қилган ҳолда, республика қонунларини ишлаб чиқиш учун мустаҳкам негиз вужудга келтирди.

Совет халқи ижодий активлигининг ўсиб бораётганлиги ва социалистик давлат ташкилотчилик фаолиятининг кенгайиб бораётганлиги социалистик қонунчиликни янада ривожлантиришни тақоза этади. Ана шуларга асосланиб, Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи чақириқ иккинчи сессияси шу йил 21 майда Ўзбекистон ССР суд тузилиши ҳақидаги Қонун, Ўзбекистон ССР жиноят ва жиноят-процессуал кодексларини қабул қилди.

КПСС XXI съездининг қарорларида ва ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг съездда қилган докладида социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш учун кенг меҳнаткашлар оммасини жалб этиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.

Янги қонунга мувофиқ халқ судлари беш йил муддатга сайланадилар. Демак, халқ судларининг масъулияти анча ошади. Одил судлов принципи яна ҳам мустаҳкамланади.

Халқ судлари Янги қонунга мувофиқ, ўз ишларини тубдан қайта қуришлари, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Жамоат тартибини муҳофаза қилишда меҳнаткашларнинг иштироки тўғрисида» деб чиқарган қарорига мувофиқ ташкил этишлари керак. Халқ судлари кўриладиган жиноий ишларни жамоат ташкилотлари, корхоналар, қизил чойхоналар, маҳалла, колхоз, совхозлар, умуман жамоат кўп тўпланадиган жойларда қараб чиқишлари ҳар жиҳатдан фойдалидир. Бу тадбир содир бўладиган жиноятнинг олдини олишда жуда муҳим роль ўйнайди.

Областимиздаги бир қатор халқ судлари ўз ишларини қайта қуриб, янгича ишлай бошладилар. Область судининг аъзолари, халқ судлари жамоат ташкилотларида кўпчиликнинг иштироқида суд процесси ўтказмоқдалар. Шу йилнинг ўтган етти ойи мобайнида 23 жойда юридик масалаларга доир савол-жавоб кечалари уюштирилди, 1965 жойда суд процесси ўтказилди, 105 ўртоқлик судига амалий ёрдам берилди. 23 жиноий ишда жамоат қараловчисининг иштироки таъминланди. Жиноятчилар устидан чиқарилган 47 ҳукм марказий ва маҳаллий газеталарда эълон қилинди. Булардан ташқари 157 доклад, лекция ўқилди.

Октябрь районидаги 2-участка халқ судининг иши ибрат бўларликдир. Суд раиси ўртоқ С. Муҳамедов бу вазифада сўнгги сайловдан кейин ишлай бошлади. Суд юргизиш ишида ёш, шунга қарамасдан ўртоқ Муҳамедов ўзининг сиёсий, юридик билимини оширишда қунт билан ишламоқда ва жавобгарликни сезиб иш тутади. Сайловчилар олдида тез-тез ҳисоб бериб туради, доклад қилади, лекция ўқийди. Шунинг учун ҳам Муҳамедовни сайловчилар ҳурмат қиладилар. 3-участка халқ судьяси М. Қосимова, Ленин район судьяларидан Берсенов, Зокирова, Янгийўл район халқ судьяси Мухторов, Қуйи Чирчиқ район халқ судининг раиси Содиқов, Янгиер шаҳар судьяси Тажмаров ўртоқлар ҳам бу соҳада бир қатор тадбирларни амалга оширдилар.

Афсуски, областимиздаги кўпчилик халқ судлари ўз ишларини халигача қайта қурганлари йўқ. Улар ҳамон эскича усул билан ишламоқдалар. Бунга Октябрь районидаги 1-участка халқ судининг раиси Шодмонов, Бекобод судьялари Старосельская, Бекбоев ўртоқларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ўртоқ Шодмонов кўп вақт кабинетдан чиқмайди. Ҳамма ишни ҳам концеляриячилик билан ҳал қилади. Суд қандай иш кўрганн, натижаси нима бўлганини кўпчилик билмайди.

Тажриба шуни кўрсатдики, қайси халқ судьяси сайловчилар орасида кўп бўлиб, тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган бўлса, ўша территорияда жиноят сезилари даражада камайди. Жиноятга қарши курашда фақат халқ судларининг ўзлари топшириқни тўла бажара олмасликлари аниқ. Бунинг учун биринчи навбатда оммага, халққа суяниб иш кўриш зарур. Халқ судьяларига жамоат ташкилотларининг вакиллари, кенг меҳнаткашлар оммаси яқиндан ёрдам берар эканлар, у вақтда камчиликлар, шубҳасиз, тезроқ бартараф қилинади, ишда жиддий ўзгариш бўлади.

Шуни ҳам айтиш зарурки, айрим корхоналарнинг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари жамоат тартибини муҳофаза қилишга, безорликка қарши кураш соҳасига ҳамда оммавий-сиёсий тарбия ишларини кучайтиришга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар.

Масалан, тоғ техникумининг бир группа ўқувчилари маст бўлишиб, безори Абрамчев билан кўчада танишадилар ва уни ётоқхонага таклиф қиладилар. Ётоқхонада яна ичкиликбозлик давом эттирилади. Мастлик натижасида ўқувчилар ётоқхонада Темлянцев билан жанжаллашиб, уни бинонинг учинчи қаватидаги деразадан кўчага ташлаб юбордилар. Бу жиноий ишининг ташаббусчиси жиноятчи Абрамчев суд томонидан қилмишига яраша жазоланди. Соғлом ва билим олаётган Темлянцев эса ишга яроқсиз — ожиз бўлиб қолди.

Тоғ техникумининг комсомол, касаба союз ташкилоти ўқувчилар орасида тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйганларида бундай жиноят содир бўлмаган бўлур эди, албатта.

Баъзи ташкилотларда юз берган кўнгилсиз ҳодисалар ўз вақтида муҳокама қилинмайди. Натижада қайта-қайта жиноят содир бўлади. Бундай ҳолга савдо ташкилотларида кўпроқ йўл қўйилмоқда. Бир ярим йил мобайнида «Ташпромторг», Тошкент университети, Куйбишев, Ленин районларидаги савдо ташкилотларида ишловчи ходимлар тарозидан ҳам, пулдан ҳам уриб, харидорларнинг ҳақига хиёнат қилганликлари учун бирнеча киши жавобгарликка тортилди. Буларнинг кўпчилиги савдо соҳасига янгидан кирган ёшлардир. Тошкент университети хизматчиси Эргашев Абдуллахўжаев билан тил бириктириб, 435 сўмлик кастюмни Пармонов деганга 610 сўмга пуллаганлар. Жиноятчилар суд қилиниб, қилмишларига яраша жазо олдилар. Бироқ, бу масала университет коллективини, комсомол ташкилотини мутлақо қизиқтирмади.

Социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашда жамоатчилик ролини ошириш энг муҳим вазифадир. Жиноятларга қарши жамоат контролини янада кучайтирайлик. Шундагина биз ҳар турли жиноятнинг содир бўлишининг олдини оламиз, ишимиздаги нуқсонларни бартараф қиламиз.

Ф. МУҲИТДИНОВ,

Тошкент область судининг раиси.

Болгарияда халқ қўзғолони ғалабасининг 15 йиллиги

Болгария юксалиш йўлида

Суратда: Шарқий Родопадаги «Студен Кладенец» тўғон ва сув омборининг кўриниши.
Болгария телеграф агентлиги фотоси.

Бугун Болгариянинг Совет Армиясининг ёрдами ва халқ қуролли қўзғолони натижасида фашизм ва капитализм зулмидан озод бўлган кунга 15 йил тўлди.

Болгарияда халқ ҳокимиятининг ўрнатилиши билан мамлакатда чуқур сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Болгария халқи ўз коммунистик партияси раҳбарлигида ва Совет ҳукуматининг қардошларча ёрдами туфайли социализм қурилишида катта ютуқларни қўлга киритди. Болгарияда социализм тўла ғалаба қозонди.

Буржуа Болгарияси иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакат эди. Унинг саноати ва қишлоқ хўжалиги жуда кам тараққий этган ва оддий ишлаб чиқариш қуролларига асосланган эди. Қолоқ техникага асосланган қишлоқ хўжалиги жуда кам ҳосил берар эди. Натижада деҳқонлар камбағалликда ва қашшоқликда ҳаёт кечирарди. Болгарияда, айниқса иккинчи жаҳон уруши йилларида иқтисодий тушкунлик янада кучайди. Немис фашистлари Болгарияни оккупация қилгандан кейин унинг бойлигини ва халқини талади.

Болгарияда ишчи-деҳқон ҳокимияти ўрнатилгандан кейин халқ хўжалигининг ривожланиши план асосида олиб борила бошланди. Халқ хўжалигини ривожлантиришда 1947 — 1948 йилларга мўлжалланган икки йиллик план катта аҳамиятга эга бўлди. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бу икки йиллик плани мамлакатда саноат ишлаб чиқариш ҳажмини урушдан аввалги даражага етказиш ва мамлакатда социалистик индустриализацияни амалга ошириш имконини берди. Болгария Коммунистик партияси Болгарияда социалистик индустриализацияни амалга оширишда халқ оммасининг қаракатига раҳбарлик қилди. Натижада мамлакатни индустриализациялаш тез суръатда олиб борилди.

Болгария халқ хўжалигини тиклашда ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлган биринчи беш йиллик план (1949 — 1952) тўрт йилда бажарилди. 1953 — 1957 йилларга мўлжалланган иккинчи беш йиллик план ҳам ортиғи билан бажарилди. Беш йилликлар даврида Болгарияда йирик саноат корхоналари қайтадан жиҳозланди ва янгидан қурилди. Мамлакатда илгари бўлмаган йирик саноат корхоналари вужудга келди.

Социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда оғир саноат асосий роль ўйнайди. Марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётбахш таълимотига асосланган Болгария Коммунистик партияси мамлакатда оғир саноатни устун даражада ривожлантириш сиёсатини оғишмай амалга ошира борди. Болгария халқ республикасида биринчи ва иккинчи беш йиллик планларнинг ортиғи билан бажарилиши натижасида саноат ишлаб чиқариш соҳасида жуда катта ютуқларни қўлга киритди. 1957 йилнинг охирига келиб саноат ишлаб чиқаришининг барча фонди 1939 йилга нисбатан 7,2 марта ўсди. Шундан оғир саноатнинг асосий фонди 16 баравар ўсди.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор Живков Болгарияда энг катта гидроэнергетика иншооти бўлган Батак гидроэнергетика узелининг ишга туширилиши муносабати билан бўлган митингда сўзлаган нутқида мамлакатда социализм қурилишида қўлга киритилаётган катта ютуқлар тўғрисида гапирди. Бу йил Болгарияда 3.610 миллион киловатт-соат электр қуввати ҳосил қилинди. 1970 йилга бориб эса 22 миллиард киловатт-соатдан ортиқ электр қуввати ҳосил қилишни мўлжалланмоқда. Болгариянинг социализм қурилишида шундай ютуқларга эришишида Совет Иттифоқи, Чехословакия республикаси ва Германия Демократик Республикасининг бераётган қардошларча ёрдами алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

В. И. Ленин номли металлургия заводининг ишчилари беш йиллик планни уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олдилар. Суратда: заводнинг илғор ишчиси Иван Божилчев.

Болгарияда оғир саноатнинг тез суръатлар билан ривожланишида Совет Иттифоқининг бераётган қардошларча ёрдами алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Болгарияда оғир саноатнинг тез суръатлар билан ривожланишида Совет Иттифоқининг бераётган қардошларча ёрдами алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Совет Иттифоқи Болгарияга машина ва бошқа саноат маҳсулотлари юбориб турмоқда. Болгария халқ республикаси ўз навбатида Совет Иттифоқига ҳам ёрдам бермоқда.

Республикада социалистик саноатни вужудга келтириш ва ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги катта роль ўйнади ва ўйнамоқда. Болгария Коммунистик партияси Ленининг буюк кооператив плани ва СССРда колхоз қурилишининг бой тажрибасига асосланиб, мамлакатда қишлоқ хўжалигини кооперативлаштиришни амалга оширди. Натижада мамлакатдаги бир миллиондан ортиқ майда деҳқон хўжалиги ўрнига 1000 га яқин кооператив хўжалиги вужудга келди. Қишлоқ хўжалик кооперацияси янги машина ва техникалар билан қуроллантирилди. Давлат маблағига машина-трактор станциялари ташкил этилди. Янги ишлаб чиқариш техникасига асосланган республика қишлоқ хўжалиги эндиликда катта-катта ютуқларни қўлга киритмоқда.

Саноат ва қишлоқ хўжалигининг тез суръатда ривожланиши натижасида халқнинг моддий ва маданий турмуши яхшиланди. Аҳоли ўртасида саводсизлик батамом тугатилди.

Эндиликда болгар халқи Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлигида мамлакатда 1958 — 1962 йилларга мўлжалланган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг учинчи беш йиллик планини амалга ошириш учун астойдил курашмоқда. Учинчи беш йиллик даврида Болгария республикаси иқтисодий соҳада жуда катта ютуқларни қўлга киритади. 1962 йилга келиб саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 1957 йилга нисбатан икки баравар кўпаяди. Бу эса мамлакатда социализм қурилишида катта-катта ғалабаларни қўлга киритаётган болгар халқининг буюк ютуғи бўлади.

Болгария Халқ Республикаси ўзининг ташқи сиёсатида тинч-тотув яшаш сиёсатига амал қилиб Болқон ярим оролини тинчлик зонасига, ядро ва ракета қуролидан ҳоли зонага айлантириш учун астойдил кураш олиб бормоқда. Болгар халқи Н. С. Хрушчев билан Эйзенхауэр ўртасида бўладиган учрашувлар ижобий натижалар беради деб умид қилмоқда.

Буюк тарихий ғалабаларни қўлга киритаётган болгар халқи Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарлигида ўз мамлакатида социализмнинг узил-кесил ғалабасига эришади ва аста-секин коммунизм сари қадам ташлайди.

Р. НОРЖИГИТОВ.

АТОМ ЭНЕРГИЯСИДАН ТИНЧ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ ЮЗАСИДАН СССР БИЛАН КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДА БИТИМ ТУЗИЛДИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги келишувга мувофиқ кейинги вақтда Москвада Совет Иттифоқи томонидан Корея Халқ Демократик Республикасига илмий-тадқиқот атом маркази барпо қилишда ва атом энергиясидан тинч мақсадлар учун фойдаланишда техника ёрдами кўрсатиш ҳақида музокаралар олиб борилди.

Қардошларча дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган музокаралар натижасида шу йил 7 сентябрда Москвада битим имзоланди. Бу битимга мувофиқ, тадқиқот мақсадлари учун атом реактори, ядро физикаси лабораторияси, изотоп лабораторияси, битатрон, кобальт установкаси қурилишида, корейс миллий кадрларини тайёрлашда техника ёрдами кўрсатиш ҳамда атом энергиясидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш соҳасида бошқа хил техника ёрдами кўрсатиш кўзда тутилади.

УММОН ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ КУРАШИ

ДАМАШҚ, 7 сентябрь. (ТАСС). Уммон имомининг Дамашқдаги ваколатхонаси билдиради: кейинги ҳафта ичида уммон ватанпарварлари инглиз қўшинлари жойлашган ернинг марказига уч марта ҳужум қилдилар. Иски, Қумма ва Адам районларида жанглар бўлиб ўтди. Ана шу жанглар натижасида инглиз солдатларидан 16 киши ўлдирилган ва яradор қилинган.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР ВАШИНГТОНГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ВАШИНГТОН, 7 сентябрь. (ТАСС). Америка Қўшма Штатлари президенти Эйзенхауэр Европа бўйлаб қилган 13 кунлик сафаридан бугун Вашингтонга қайтиб келди. Ана шу сафар вақтида Эйзенхауэр Ғарбий Европа ҳукуматларининг бошлиқлари ва НАТО вакиллари билан музокаралар олиб борди.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ КООПЕРАТОРЛАРИНИНГ СЕМИНАРИДА

Осиё ва Африка мамлакатлари кооператорларининг 8 сентябрда Тошкентда ўтказилган машғулотлари кооператив кадрлари тайёрлаш масаласига бағишланди. Ўзбекистон матлубот кооперацияси союзи правлениеси раисининг ўринбосари М. Р. Ражабова чет эллик меҳмонларни Ўзбекистонда кооператив кадрлари тайёрлаш иши қандай уюштирилганлиги билан таништирди.

Ёшларга таълим бериш шарт-шароити семинар қатнашчиларини қизиқтирди. Кооператив ўқув юртларининг ўқувчилари, — деди ўртоқ Ражабова, — ўқиш учун ҳақ тўламайдилар, балки, аксинча, стипендия оладилар.

Чет эллик меҳмонлар ўртоқ Ражабова келтирган рақамлардан республика матлубот кооперациясида кадрлар тайёрлаш ишларининг кўламлари ҳақида таассурот ҳосил қилиш имкониятига эга бўлдилар. 1955 йилда кадрлар тайёрлаш учун 12 миллион сўм, ўтган йили 25 миллион сўм сарф қилинди, кейинги 4 йил ичида жами 73 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

Тошкент кооператив техникумининг директори Х. У. Умарохунов семинар қатнашчиларини ана шу ўқув юртининг ишлари билан, ўқув планлари ва программалари билан таништирди. Чет эллик меҳмонлар студентларнинг ҳаёти билан қизиқдилар.

Шундан кейин семинар қатнашчилари Ўзбекистон Ҳунармандчилик кооперацияси Советининг профессионал-техника мактабига бордилар. Улар бу мактабда ҳунармандчилик кооперацияси системасида кадрлар тайёрлаш ишлари билан танишдилар. (ЎзТАГ).

Бугун „ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА" газетасида

Газетанинг бугунги сонида «Ҳамма пахта йиғим-теримига!» деган бош мақола берилган. Бундан ташқари биринчи бетда йиғим-теримнинг қандай бораётгани ҳақида область районларидан олинган кўпгина материаллар босилган.

Иккинчи бетда «Техника прогресси учун» сарлавҳали материалда Тошкент Халқ хўжалиги кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш ҳақида ҳисобот босилган. Шунингдек бу бетда «Совет Иттифоқида» деган рубрика остида бир қанча хабарлар берилган.

Учинчи бетда профессор К. Лазаревнинг «Болгарияда социализм қурилишининг ғалабалари» сарлавҳали мақоласи босилган. Шунингдек бу бетда адабиёт саҳифаси ва чет эллардан олинган кўпгина информациялар бор.

Тўртинчи бетда маҳаллий ва спорт хабарлари босилган.

Колхоз йўллари обод бўлмоқда

Қиёфаси кун сайин ўзгариб бораётган қишлоқларимизга бир назар солинг. Ҳар бир колхоз, ҳар бир совхозда қурилиш ишлари тобора кенг қулоч ёймоқда. Боғча, клуб, кинотеатрлар, мактаб бинолари, текис ва кенг асфальт йўллар — буларнинг ҳаммаси қишлоққа шаҳар тусини бермоқда.

Областимиз колхозларидаги йўлларни ободонлаштиришга сўнгги йилларда, айниқса катта эътибор берилмоқда. Йўл қурилиши ишларини олиб бориш учун область ижроия комитети ҳузурида колхозлараро совет ташкил этилди. Бу ташаббус Ўзбекистоннинг барча областларига ёйилмоқда. Колхозлараро йўл қурилиши совети қишлоқ хўжалик артелларининг бўлинмас фондлари ҳисобидан янги йўллар қурмоқда.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг ўзи қишлоқ йўлларини асфальтлаш учун 3 миллион сўм ажратди. Барча кўчаларга водопровод киритилди. Шу райондаги «Политотдел» колхози эса ички йўллар учун 2 миллион сўм маблағ сарфлади. Қуйи Чирчиқдаги Ленин номли колхоз колхозлараро совет ёрдами билан 11 километр йўлни асфальтламоқда. Шунингдек, Ҳасанбой йўли тузатила бошланди. Калинин район колхозлари бу йўлни тузатиш учун 1 миллион 369 минг сўм пул ажратдилар.

Областимиз колхозлари етти йил ичида янги кўчалар очиш ва эскисини тузатиш учун 120 миллион сўм сарфлашлари планлаштирилган. Бу план амалга оширилгач, колхоз йўллари яна ҳам обод бўлади, қишлоқларимиз ҳуснига ҳусн қўшилади.

С. МУСАЕВ.

Журналистлар ҳамкорлиги халқаро куни шарафига

8 сентябрда Тошкентда матбуот, радио ва телевидение ходимларининг Журналистлар ҳамкорлиги халқаро кунига бағишланган йиғилиши бўлди.

Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси раисининг ўринбосари Р. Саҳибоев доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон матбуотининг барча ходимлари номидан гапириб, капиталистик мамлакатларнинг ўз прогрессив гоялари учун қувғин қилинаётган ва қамоққа олинаётган журналистлари билан бирдам эканликларини изҳор қилдилар ва озодлик ҳамда демократия учун мард курашчи, Грециянинг миллий қаҳрамони Манолис Глезосни зиндонда сақлаётган Греция ҳукуматининг тадбирларига қарши қатъий норозилик билдирдилар. (ЎзТАГ).

Фольклорчи олиманинг юбилейи

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номли Тил ва адабиёт институти ҳамда пойтахт адабиётчилари жамоатчилиги 30 йилдан бери фольклор соҳасида самарали ишлаб келаётган олима, филология фанлари кандидати ва шоира Музайяна Алавиянинг туғилганига 50 йил тўлган кунни нишонладилар. Пойтахтдаги олимлар уйида бўлган бу кеча қизғин ўтди.

Филология фанлари кандидати С. Ғаниева фольклорчи олиманинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида доклад қилди. Юбилярни табриклаш учун сўзга чиққан адабиётчилар, педагоглар, аспирантлар олиманинг ўзбек қўшиқларини тўплаш, нашр этиш, уларни бойитиш соҳасида катта ижодий иш қилаётганлигини қайд этдилар.

Кечада юбиляр адресига мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан келган қутлов телеграммалари ҳам ўқиб эшиттирилди.

А. КИМ.

Пойтахтимиздаги кондитер фабрикаси коллективи Тошкент Давлат медицина институти ходимлари билан ҳамкорликда болалардаги буқоқ касалига қарши «Ученический» деган конфет ишлаб чиқарди. Бу конфетнинг таркибида буқоқ касалига қарши йод моддаси бор. Суратда: фабрика эксперименталь лабораториясининг ходимларидан Надя Петрушина ва Ҳалима Сандова ўртоқлар конфетлар таркибини анализ қилмоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

Физкультура ва спорт

ЎЗБЕК КЎПКАРЧИЛАРИ СССР ЧЕМПИОНИ

МОСКВА, 8 сентябрь, (ЎзТАГ махсус мухбири). Колхоз, совхоз ва от заводлари чавандозларининг Бутуниттифоқ иккинчи мусобақаси программасига киритилган миллий кўпкар (улоқ) ўйини москваликлар ўртасида катта муваффақият қозонди. Спортнинг бу тури бўйича мусобақа минбарлари одамлар билан лиқ тўлган Москва ипподромида бўлиб ўтди.

Чавандозлар байрамининг якунловчи кунида Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг мағлубиятга учрамаган терма командалари учрашдилар. Кескин кураш натижасида 2:1 ҳисоби билан ўзбек кўпкарчилари ғалаба қозондилар. Улар Совет Иттифоқи чемпиони бўлдилар. Ўзбекистон командаси составида Наманган областидаги Охунбобоев номли колхоздан Турғунали Имоналиев, Самарқанд областидаги Энгельс номли колхоздан Эргаш Холтемиров, Тошкент областидаги Жданов номли колхоздан Анорбой Боборавшанов, Карл Маркс номли колхоздан Соғиндиқ Мўлдибоев ва Азимбой Эрназаров (Тошкент ипподроми)лар бор.

Қозоғистон кўпкарчилари иккинчи ўринни, Тожикистон кўпкарчилари учинчи ўринни олдилар.

ШАХМАТ

Ўзбекистон ёш шахматчиларининг терма командаси Ростов шаҳрида ўтказилган мусобақада қатнашди. Бу командага мастерликка кандидатлар У. Эльбеков ва Е. Надеждин ўртоқлар раҳбарлик қилдилар. СССР биринчилиги учун бўлаётган мусобақанинг иккинчи группасида қатнашган ўзбекистонлик ёш шахматчилар қизғин курашдан сўнг учинчи ўринни эгаллалилар. Бу муваффақият билан команда биринчи группада, яъни «А» классида Иттифоқ биринчилиги учун курашиш ҳуқуқига эга бўлди. Биринчи ўринни 72 имконяатдан 51 очко олган Литва ССР шахматчилари, иккинчи ўринни эса Ростов шаҳри командаси эгаллади. Республикамиз ёш шахматчиларидан айримлари анча яхши ўйнадилр. Тошкентлик С. Пинчук биринчи доскада 6 имконятдан 4 очко олиб, иккинчи ўринга чиқди. Тошкент шаҳар чемпиони Х. Эшметов биринчи разряд нормасини бажарди. Бу мусобақа республикамиз ёш шахматчилари учун катта синов бўлди.

Б. Пўлатов.

Телевизор экранида

10 СЕНТЯБРДА

19.30. Урта ёшдаги ўқувчилар учун ўзбек тилида эшиттириш. «Қизил галстук» деган телевизион журнал.

20.05. Сўнгги ахборот.

20.25 Ўзбек тилида «Кино санъати» деган тележурнал.

21.10. Бадиий фильм — «Инсон тақдири».

22.50. Реклама ва эълонлар.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво очиқ бўлиши, енгил шамол эсиб туриши кутилади. Тошкентда 30 — 32, областда эса 27 — 32 даража иссиқ бўлади.

Редактор ўринбосари:
М. КОРИЕВ.

СОВЕТ — БОЛГАРИЯ ДЎСТЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Тошкент меҳнаткашларининг неча юзлаб вакиллари 8 сентябрда Свердлов номли театр биносида болгар халқининг миллий байрами—Озодлик кунига бағишланган тантанали йиғилишга тўпландилар.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ф. Х. Ҳўжаев очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Г. Н. Нажимов Болгарияда монархия-фашист режими ағдарилган ва халқ демократик ҳокимияти ўрнатилган кунининг 15 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари баланд руҳ билан Софияга, Болгария — Совет дўстлиги Умумхалқ комитети номига табрик телеграммаси юбордилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ КИШИЛАРИ ЯДРО ҚУРОЛИ СИНОВЛАРИГА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДАЛАР

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитетининг Президиуми Франция ҳукмрон доираларининг Сахройи Кабирда ядро қуроли синовлари ўтказиш ниятига қарши Қоҳирадаги норозилик митинги қатнашчиларига телеграмма юборди. Телеграммада бундай дейилади:

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети Сахройи Кабирда ядро қуроли синовларига қарши Қоҳирадаги норозилик митинги қатнашчиларини табриклайди ҳамда Африка халқларининг ўзларига таҳдид қилаётган хавфга қарши олиб бораётган курашига миллионмиллион совет кишилари номидан қардошларча бирдамлик билдиради. Н. С. Хрушчев ва Д. Эйзенхауэр ўртасида бўладиган учрашувлар муносабати билан халқаро кескинликни юмшатиш ва «совуқ уруш»ни тугатиш учун реал имконият вужудга келаётган ҳозирги вақтда Франция маъмурларининг Сахройи Кабирда атом бомбаси синовларини ўтказишга қарор қилиши халқаро жамоатчиликка қарши қаратилган ҳаракатдир.

Яхши ниятли ҳамма кишилар Франция ҳукуматининг қарорини қораламоқдалар ва Африкадаги тўқиз мустақил мамлакат конференциясининг резолюциясини қўллаб-қувватламоқдалар. Бу резолюцияда Франциянинг Сахройи Кабирда ядро қуроли синовларини ўтказиш ниятидан воз кечиши талаб қилинади. (ТАСС).

ТОШКЕНТНИНГ ТАНЮША ЖОЙЛАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IX да: 1) Паяцлар, 2) Концерт, 10/IX да Травиата.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — ёзги бинода: 9/IX да Фарғона ҳикояси, 10/IX да янги спектакль Ошиқ Ғариб.

НАВОИЙ номли (қишки) — кундуз Тоҳир ва Зуҳра, кечқурун: 1) Рўпарадаги уй, 2) Тунги меҳмон.

НАВОИЙ номли (ёзги) — Машаққатли бахт.

«9 МАЙ» — Иккаласи бир кварталдан (ўзбек тилида).

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), КАФАНОВ номли, ПУШКИН номли, «УДАРНИК» — Рақиблар рулда.

«ФЕСТИВАЛЬ» — кеч соат 8-45 минутда Рақиблар рулда.

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» — кундуз ва кечқурун Рақиблар рулда, кундуз соат 2 ва кеч 6-15 минутда: 1) Рўпарадаги уй, 2) Тунги меҳмон,

СТЕПАН РАЗИН номли — кеч соат 8-10 минутда: 1) Рўпарадаги уй, 2) Тунги меҳмон, кеч 9 яримда Уч денгиз оша (1 ва 2- серия).

ТЕЛЬМАН номли — кеч соат 8 яримда Уч ойна, кеч 10 да Уч денгиз оша (1 ва 2- серия).

«ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун: 1- залда Рақиблар рулда, кеч 10 да Румянцевнинг иши.

«СПУТНИК» — кундуз ва кечқурун: 1- залда Рақиблар рулда, 2- залда 306- сон дело.

«ВАТАН» — 9/IX, кеч соат 8 да Концерт. «Фарзандлар» фильмининг киноактёрлари билан учрашув бўлади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТР

(Ҳамза номли театрнинг ёзги биносида)

9 сентябрда

катта концерт

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Фароғат Раҳматова, Абдуғафур Абдураҳмонов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ҳожиакбар Аҳмедов, VI Жаҳон фестивали лауреатлари Ҳасан Султонов, Отажон Ражабов, Мунаввар Давлатова, солистлардан Адиба Мирзаева, Ҳадияхон Юсупова, Сорахон Шукурова, Тамат Зиёхонова, Улфат Раҳмонқулова, Суръат Пўлатов ва бошқалар қатнашади.

Концерт кеч соат 9 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«СПЕЦЭЛЕВАТОРМЕЛЬСТРОЙ»

УРТА ОСИЁ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

қурилиш ишидан тажрибаси бўлган бош бухгалтер, электросваркачилар, газосваркачилар, тунукасозлар, монтажчи слесарлар, асфальтчилар, арматурачилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар

керак

Адрес: Тошкент шаҳар, Воровский кўчаси, 37-уй.

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ ЎЗБЕКИСТОН КОНТОРАСИ КИНОУСТАНОВКА ЭКРАНЛАРИГА

янги фильмлар чиқаради:

ЛЕНИНГРАДНИНГ ЖАСОРАТИ

НОМЛИ ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Сценарий автори — И. Котенко.

Режиссёрлар — Е. Учитель, В. Соловцов.

Ленинград Кинохроника студияси 1959 йилда ишлаган.

Мишка Стрекачёвнинг ажойиб саёҳати

НОМЛИ КИНОПОВЕСТЬ

Сценарий автори — Николай Чуев.

Режиссёр — Илья Фрэз.

Оператор — К. Арутюнов.

Композитор — Никита Богословский.

Шеърлар автори — Е. Агранович.

Ролларда:

Алёша Борзунов, Лена Шептицкая, Слава Девкин, Рая Николаева, Миша Копитов, Саша Вдовкин, К. Сорокин, В. Хохряков, М. Трояновский, Г. Гумилевский, В. Носик, П. Алейников, Т. Пельтцер, В. Телегина, Е. Кудряшовлар қатнашади.

фильмни М. Горький номли киностудия 1959 йилда ишлаган.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 26 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808, 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040 135. Саноат ва транспорт бўлими, маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 34048, 132. Секретариат — 29040 50 Эълонлар бўлими — 28142.

Р 08280. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. Б-1875.